Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2016-YIL 17-MART, PAYSHANBA, 11 (643)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

# Депутатлар сиёсий партияларнинг ҳисоботларини эшитдилар

**15 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ**

**Депутатлар ўз конституциявий ваколатларига мувофиқ сиёсий партияларнинг 2015 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитди. Ушбу масала бўйича барча сиёсий партиялар раҳбарлари сўзга чиқди.**





*Солиҳ ЗОИР олган суратлар*

Мажлис давомида таъкидландики, сўнгги йилларда энг муҳим давлат масалаларини ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири, шунингдек, уларнинг парламентдаги фаолияти сезиларли даражада кучайди. Умумқабул қилинган демократик стандартларга ва халқаро нормаларга тўлиқ жавоб берувчи сиёсий партияларни ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди. Бугунги кунда сиёсий партиялар ўз дастурий мақсадларини илгари суриш ва амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча имкониятларга эгадир.

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳар бир партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сонига қараб ўз устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларининг муайян ҳажмларини олиш ҳуқуқига эга.

Сиёсий партияларни молиялаштириш қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги принциплари асосида қонунга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширииб борилди. Барча сиёсий партиялар ўз фаолиятини молиялаштириш ҳажми ва манбалари тўғрисидаги ахборотни белгиланган тартибда эълон қилди ва ўз аъзолари ҳамда жамоатчиликнинг уларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишини таъминлаб берди.

Мажлисда Ўзбекистондаги сиёсий партиялар молиявий ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда тақдим этганликлари қайд этилди.

Мазкур масаланинг муҳокамаси чоғида сўзга чиққан депутатлар давлатимиз раҳбари 2015 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент олдида турган энг муҳим масалаларни белгилаган ҳолда Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва аҳамиятини бор имкониятлардан фойдаланиб оширишни, умуман олганда, кўппартиявийлик тизимини янада изчил ривожлантиришни қайд этганини таъкидлаб ўтдилар. Шундан келиб чиққан ҳолда, Қонунчилик палатаси Регламентига палатанинг қонунчилик, назорат-таҳлил фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг фаол иштирокини таъминлаш механизмлари самарадорлигини ошириш, шу билан бирга, партиялар фикрларини ҳисобга олувчи муқобил қонун лойиҳаларини сиёсий партиялар фракциялари аъзолари томонидан киритишнинг процессуал механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишининг муҳим ҳаётий масалаларини белгиловчи у ёки бу қонунлар бўйича ўз нуқтаи назарларини кенг жамоатчиликка етказилишини таъминловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2→

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАДИР

# Байрамлар ярашар бу юртга!

*Қишлоғ-у маҳаллани жарчининг: «Одамлар-у одамлар! Эшитмадим деманглар. Эшитмаган армонда, эшитганлар дармонда. Ҳамма Наврўз сайилига-а-а...» деган овози тутиб кетди.*

*Нуронийлар – Яратганга шукроналик келтириб, элга ризқу рўз, осойишталик тилаганча «Омонлик-омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик», дея қўлларини дуога очдилар...*

*Кайвони момолар невара-чевараларини олиб, сумалак тайёрлаш тараддудига тушдилар...*

*Лобар қизлар «кўк» солинган пишириқлар, исмалоқ, ялпиз ва яна фақат ўзлари билувчи кўкатлардан таомлар тайёрлаб, маҳоратларини «кўз-кўз» қилишга чоғландилар...*

*Чавандоз йигитлар бедов тулпорларини миниб, полвонлар белига белбоғини боғлаб, майдонда мардларни кутдилар...*

*Ёш ялангабадий мерос – халқ ўйинларини бошладилар...*

*Бир сиқим тупроқни кафтига олиб, оби-тобини қалби билан ҳис қилган Деҳқон бобо неварасини олиб, кўчат экиш учун далага йўл олди...*

*Истиқлол шарофати билан қишлоқларда қад кўтарган замонавий лойиҳа асосида қурилган уйларга кўчиб ўтганлар «ҳовли тўйи»га меҳмонларни чорлай бошлади...*

*Қўни-қўшни жам бўлиб сумалак тайёрлаш учун осган қозон бошига янги келинлар тайёрлаган «эл оши»дан тотиш, минг йиллар давомида аждодлардан етиб келаётган ўлану лапарларни эшитиш, бутун қишлоқ ёки маҳалладаги ҳар бир хонадонга кириб борувчи, «баҳор таомларининг эркаси» — сумалакни ковлаб савоб олиш иштиёқида бўлганлар навбатларга турдилар...*

*Тун тонгга уланди...*

*Кўкламнинг юртга, элга келтирган завқу шавқидан сархуш бахши қўлига дўмбирасини олди...*

*Демак...*

*Қўни-қўнжини қут-баракага, омонликка тўлдириб Ватанимизга биз соғинган Наврўз келди, Йилбоши... Кўзларимга тўтиё Наврўз!*

*Дунёда байрамлар кўп. Ҳар бир инсон ўз табиатидан, дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда маълум бир байрамни севади. Уни интиқиб кутади, унга боғлиқ анъана ва қадриятларни азиз билади. Боиси, ҳар бир байрам ўз мазмун ва моҳиятига эга. Шундай байрамлар ҳам борки, улар бевосита табиат, унинг узвий қонунияти асосида келиб чиққан.*

2→

ФАРМОН ВА ИЖРО

# Илмий тадқиқотлар такомиллашмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан олий таълим тизимида илмий-педагог кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Шодмонов, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, диссертация тадқиқотларининг сифатини, илмий ва амалий аҳамиятини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Айни пайтда илмий даражалар бериш бўйича амалдаги ихтисослашган кенгашлар чуқур таҳлил қилиниб, фан йўналишлари ва ихтисосликларнинг янги рўйхатини ҳисобга олган ҳолда етакчи олий таълим даргоҳлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида тегишли фан йўналишлари бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тузилган. Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий таълим даргоҳларида 925 нафар катта илмий ходим-изланувчи докторлик диссертацияси бўйича илмий тадқиқот ишини олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони тизим ходимлари салоҳиятини оширишга асос бўлмоқда. Унга мувофиқ олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини замонавий талаблар асосида мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилди, бу борадаги малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услублар янгиланди.

Давра суҳбати давомида вазирликлар ва ташкилотлар тасарруфидаги олий таълим масканларида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тартибини такомиллаштириш, кадрларни аттестациядан ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

СЕНАТОР МИНБАРИ

# САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИДА, ЖУМЛАДАН, ҲУДУДЛАРДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ЮЗАСИДАН ҚАТЪИЙ ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА



**Тоҳир БАҲРОНОВ,**
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги ҳаётимизни ҳар бир ишда яқин кўмакчи-дастёрга айланиб улгурган компьютерларсиз тасаввур қилиш мушкул. Зотан, турли ташкилот ва муассасаларнинг ички ахборот тармоғи бўладими, идоралараро, ҳудудлар ёки мамлакатлараро маълумот алмашишнинг электрон тизими бўладими – барча-барчаси компьютерлар орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда айни йўналишдаги ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг мазкур соҳани жадал ривожлантириш мақсадида имзоланган фармонлари талаблари асосида парламент томонидан қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорлари ушбу жараённинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз бу ўринда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларнинг иқтисодиёт тармоқларида кенг жорий этилиши ишлаб чиқаришни янада ривожлантириб, корпоратив бошқарувни модернизациялашнинг муҳим омили бўлаётгани ҳақида Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган корхоналар мисолида мухтасар сўз юритмоқчимиз.

Энг аввало, бу борада қилинаётган ишлар, амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар ижроси Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси назоратига олинганини таъкидлашни истардим.

2→

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 15 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2173.28 | 1 АҚШ доллари | 2866.75 | 1 Хитой юани | 441,50 | 1 Польша злотийси | 745,09 | 1 ЕВРО | 3168,54 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4121.24 | 1 Миср фунти | 366.12 | 1 Россия рубли | 40.77 | 1 СДР | 3998,63 | 10 Жанубий Корея вони | 24,21 |
| 1 Дания кронаси | 428,99 | 1 Исландия кронаси | 22,77 | 1 Украина гривнаси | 110,18 | 1 Туркия лираси | 998,52 | 10 Япония иенаси | 251,69 |
| 1 БАА дирҳами | 780,49 | 1 Канада доллари | 2168,49 | 1 Малайзия ринггити | 700,92 | 1 Швейцария франки | 2915,73 | | |

«XXI asr» 2016-yil 17-mart, payshanba, 11 (643)-son, www.21asr.uz

# ДЕПУТАТЛАР СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЭШИТДИЛАР

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада



Депутатлар сиёсий партияларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни кучайиб бораётганлиги муносабати билан сиёсий партияларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этди.

Депутатларнинг фикрига кўра, сиёсий партияларнинг моддий-молиявий, ташкилий кадрлар ва бошқа ресурслари ўз дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда катта аҳамият касб этади. Шу сабабли уларнинг шаффоф ва очиқлиги, доимо жамоатчилик назорати остида бўлиши жуда муҳимдир. Йиғилишда таъкидландики, кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, парламент ва жамиятда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириш шароитларида ушбу масала депутатларнинг доимий эътиборини талаб этади.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси вакиллари** қайд этдики, амалдаги қонун ҳужжатлари, биринчи навбатда, сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги тегишли қонун ҳужжатлари доирасида замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олади. Сиёсий партиялар ўз дастурий мақсадларини илгари суриш ва амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш учун, шу жумладан, яратилган тенг молиявий шарт-шароитлар ҳисобига барча имкониятларга эга. Ҳисоб палатаси ҳисоботининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, сиёсий партиялар, шу жумладан, O`zLiDeP ҳам молиявий фаолиятини қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва тенг ҳуқуқлилик принциплари асосида амалга оширмоқда, ўз фаолиятини молиялаштиришнинг ҳажми ва манбалари тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида эълон қилган ҳолда, ўз аъзолари ва жамоатчиликнинг молиялаштириш тўғрисидаги тегишли маълумотлардан фойдаланилиши таъминланади.

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоларининг** фикрига кўра, партия ташкилотлари фаолиятининг самарадорлиги уларнинг иқтисодий-хўжалик ҳаётини ташкил этиш самарадорлиги билан бевосита боғлиқдир. Бундай шароитларда сиёсий партиялар тасарруфидаги давлат бюджети маблағларини самарали режалаштириш ва ишлатиш муҳим аҳамиятга эга. Бунга турли даражадаги депутатларнинг сайловолди дастури тадбирлари ва ҳар йили қабул қилинадиган Партия фаолиятининг асосий йўналишлари режасини амалга оширишдаги фаол иштироки, шунингдек, давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланиш жараёнлари устидан жамоатчилик ва парламент назоратининг чора-тадбирларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш орқали эришиш мумкин.

Фракция депутатлари сиёсий партиялар бюджетларининг даромад манбалари ва харажатлар қисмининг кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотнинг юқори даражада очиқлигини таъминлашни, фуқароларнинг сиёсий партияларнинг бухгалтерлик ва статистика ҳисоботидан, шу жумладан, ҳисоботни расмий сайтларда электрон шаклда эълон қилиш орқали кенг кўламда фойдаланилишини таъминлашни ёқлаб фикр билдирди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари** қайд этдики, сиёсий партиялар даромадларининг тўлиқ шаклланишини, шунингдек, уларнинг фаолиятини молиялаштиришга қаратиладиган давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таъминлашда сиёсий партиялардаги ички назорат механизмларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Фракция аъзолари қайд этганларидек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча сиёсий партияларида назорат-тафтиш комиссиялари фаолият юритмоқда, комиссиялар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлари, шу жумладан, функциялари, вазифалари, шунингдек, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган.

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси вакиллари** таъкидладики, жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари сиёсий партиялар молиявий фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш имконини беради. Хусусан, босма оммавий ахборот воситаларида ўтган даврдаги фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбалари тўғрисидаги таҳлилий материаллар эълон қилинмоқда. Шунингдек, партиялар сиёсий кенгашларининг пленумларида партияларнинг ўтган йилдаги молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилади. Эшитишлар давомида партиялар аъзолари, маҳаллий партия ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари, депутатлар, экспертлар, ОАВ вакиллари фаол иштирок этиб, улар томонидан партия бюджетидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар киритилади.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар сиёсий партияларнинг 2015 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.**

# Самарадорликни оширишнинг муҳим шарти

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

Натижада катта-кичик корхоналарда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари қамрови тобора кенгайиб бораётир. Жумладан, «Бухородонмаҳсулотлари», «Бухорогазсаноатқурилиш», «Когон ёғ-экстракция заводи», «Бухоро ҳудудий электр тармоқлари», «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятлари, «Ғарбгазтаъминот» унитар корхонасида бухгалтерия ҳисоби юритиш тизимини автоматлаштириш мақсадида замонавий дастурий маҳсулотлар амалда қўлланилмоқда. «Дори-дармон» масъулияти чекланган жамиятида эса савдо фаолиятини янада яхшилаш ва самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида «М-Аптека плюс» ERP деб номланган ресурсларни электрон тарзда режалаштириш тизими жорий этилди.

Вилоятдаги 30 га яқин ишлаб чиқариш корхоналарида ижро интизомини мустаҳкамлаш ва самарали бошқарувни ташкил этишда электрон ҳужжат айланиши тизимидан фойдаланилаётгани мувафаққиятлар гарови бўляпти. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг 10 га яқин корхонасида бизнес юритиш жараёнларини автоматлаштириш бўйича замонавий корпоратив бошқарувга асосланган дастурий маҳсулотларни жорий этиш ишлари жадал олиб боріляпти.

Юқорида номлари қайд этилган аксарият корхоналар, шунингдек, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Сулшержаҳон» МЧЖ, «Бухоро-лабса», «Баҳор-пластикс», «Текстилс спектрум колорс» қўшма корхоналари, ўндан ортиқ меҳмонхоналарнинг замонавий технологияларга асосланган веб-сайтлари модернизация қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги 13 та туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Бир ойна» марказлари, 150 га яқин давлат хизматларини кўрсатувчи ва бу муҳим жараёнда фаол иштирок этувчи ташкилотлар «Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими»га уланди ҳамда уларнинг ходимлари учун мазкур тизимдан фойдаланиш бўйича ўқув семинарлари ташкил этилди.

Лекин вилоятдаги ҳамма корхоналарда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш аҳволини талаб даражасида, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига «Иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги тўғрисида»ги масала киритилди. Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси томонидан тайёрланган маълумотда таъкидланганидек, ахборот алмашинувида дастурий тизимларни жорий этиш, веб-сайтлар ташкил қилиш, замонавий антивирусларни қўллашда ҳамон камчиликлар кўзга ташланаяпти. Ваҳоланки, бундай тизимлардан ўринли фойдаланиш ҳар бир корхона ва ташкилотда ижро интизомини мустаҳкамлаш, иш сифатини ошириш билан бирга ўз маҳсулотини нафақат маҳаллий харидорларга, балки хорижлик мижозларга ҳам осон ва қулай таклиф этиш, улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишда қўл келади. Ҳолбуки, иқтисодий самарадорликка эришишнинг муҳим шартларидан бири ҳам ҳозирги пайтда айни шу тизим билан бевосита боғлиқдир.

Сессияда иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва ривожлантириш бўйича билдирилган таклиф-тавсиялар соҳани янада тараққий эттириш имконини бериши шубҳасиз. Демак, ушбу муҳим масала ижроси юзасидан доимий мониторинг юритилишини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида илғор АКТдан фойдаланиш учун масъул бўлган ходимлар малакасини ошириш масалаларини таъсирчан депутатлик назоратига олиш бизнинг бурчимиз. Зеро, O'zLiDePнинг Сайловолди платформасида партиянинг яқин беш йилликдаги устувор вазифалари сирасида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш асосида корхоналарнинг самарадорлиги ҳамда тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш масалалари ҳам ўрин олган.



# АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

## O`zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ҲАМДА ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ ТОМОНИДАН **«КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ КОДЕКСИ — АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ»** МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ

**Ўз мухбиримиз**

Парламент қуйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Адҳам Шодмонов акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган Корпоратив бошқарув кодексининг мазмун-моҳиятига атрофлича тўхталиб, мазкур Кодекс Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойиллари асосида ишлаб чиқилганлигини таъкидлади.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров бундан сал кам бир йил олдин Президентимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий сармояларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, корхоналарни бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган қарор ва фармонларни ишбилармон доиралар вакиллари катта қизиқиш билан қарши олганини қайд этди. Шундан буён бу соҳада жуда катта ўзгаришлар ва амалий натижаларга эришилди. Жумладан, 2015 йилда барча акциядорлик жамиятларининг фаолияти тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди. Корпоратив бошқарув бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида акциядорлик жамиятларининг янги намунавий тузилмаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Замонавий корпоратив бошқарув тизими учун 566 та янги лавозим ва касб тоифалари киритилди. Соҳадаги раҳбар ходимлар янги талаблар бўйича аттестация қилинди.

Яқинда эса ихтиёрий равишда амал қиладиган тавсияларни ўз ичига олган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва корпоратив бошқарувга доир халқаро тамойилларга асосланган Корпоратив бошқарув кодекси қабул қилинди.

Маълумки, партия тизимида янги қабул қилинаётган қонун лойиҳалари жамоатчилик экспертизасидан ўтказилади. Жумладан, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ қонунчиликка доир барча қонун лойиҳалари электорат иштирокида муҳокама этиб борилади. Ана шу анъанани давом эттирган ҳолда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва фракцияси томонидан Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси сингари қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва долзарб масалаларига бағишлаб республиканинг барча минтақаларида 100 га яқин махсус тарғибот-тушунтириш тадбирлари ташкил этилди. Уларда акциядорлик жамиятлари фаолиятига оид билдирилган аниқ амалий таклиф-тавсиялар партиянинг парламентдаги фракциясига тақдим этилди. Зеро, O`zLiDeP Сайловолди платформасида илғор корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш орқали корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масалалари ҳам устувор вазифа сифатида белгиланган.

— Корпоратив бошқарув кодекси, деганда акциядорлик жамияти фаолиятини самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорга экспорт қилиш мақсадида акциядорлик жамиятлари ижроия органи, кузатув кенгаши, акциядорлар, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар, шу жумладан, кредиторлар ўртасида мазкур шахслар манфаати уйғунлигига эришиш тизими тушунилади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Муродулла Турсунов. — Шу маънода, мазкур Кодекс ҳисобдорлик, очиқлик, ҳаққонийлик ҳамда акциядорлик жамиятларини узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида ишлаб чиқилган, десак муболаға бўлмайди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида акциядорлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ва соҳага оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

# Байрамлар ярашар бу юртга!

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

*Шу сабабмикан, бу байрамлар бутун-бутун элатлар, миллатлар, халқлар томонидан севиб қаршиланади. Аммо, ҳар бир халқ бу байрамни ўзи истиқомат қилаётган замин билан ҳамоҳанг кўрганиданми, ушбу саналарни миллий урф-одатлари, яшаш тарзидан келиб чиққан ҳаётий фалсафаси, тарихий шаклланган дунёқараши, менталитети билан боғлиқ ҳолдаги анъаналари асосида нишонлайди. Шу боисмикан, бу байрамлар миллий маданият ва маънавиятнинг ажралмас бўлаги сифатида кўрилади. Шарқ халқлари, жумладан, Ўзбекистон халқи учун ана шундай улуғ байрамлардан бири — Наврўз ҳисобланади.*

*Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, ахлоқий, илмий, адабий қарашлари акс этган қадимий қўлёзмаларни, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганар эканмиз, Наврўзнинг халқимиз учун нақадар азиз ва қадрли эканлигини англаймиз.*

*Заковатли аждодларимиз табиат билан ҳамоҳанг тарзда ҳаёт кечиришга, фаолият юритишга ҳаракат қилишган. Шу сабаб, табиатдаги ўзгаришларни, унинг қонуниятларини англашга интилган ва бундан минг йиллар олдин баҳорнинг қайси санасида кун ва тун тенглашишини, шундан сўнг кун узайиб боришини аниқлаганлар. Янги-янги билимлар тўпланиши, иқтисодий фаолият, маънавиятнинг юксалиб бориши асносида юзага келган урф-одат ва қадриятлар қатори Наврўз айёмига боғлиқ анъаналар ҳам халқимиз ҳаётидан муҳим ўрин олган. Яшаб турган маҳалла ёки қишлоқларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, турли хил халқ ўйинлари, сумалак ва бошқа баҳорий таомларнинг барчаси Кўклик, Поклик, Омонлик, Бунёдкорлик, Яратувчилик нишоналари эканлиги сир эмас. Наврўз байрамининг рамзлари сифатида бежизга Деҳқонбой ва Баҳорой образлари танлаб олинмаган.*

*Бирор халқни тобе қилмоқчи бўлсанг, уни аввало ўзлигидан, маънавий ва тарихий меросларидан жудо қил, деган ақидага амал қилган собиқ шўро тузуми ҳам Наврўз ва унга боғлиқ қадриятларга бежиз кўп бора хуруж қилиб кўришмаган. Бироқ, асл қадриятлар халқ каби мангу. Истиқлол шарофати, Президентимиз ташаббуси билан Наврўз яна халқимизнинг энг севикли, энг қадрли айёмлари қаторидан муносиб ўрин олди ҳамда бугунги дориломон кунларимиз шарофати туфайли янги мазмун ва моҳият касб этувчи анъаналар билан бойиб бормоқда. Шундай хайрли анъаналардан бири Наврўз арафасида ўтказиладиган умумхалқ ҳашаридир.*

*«Истиқлолимизнинг 25 йиллигига 25 та кўчат мендан туҳфа» шиори билан бошланган хайрли анъана айнан Наврўз олди ҳашарларида, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида бор бўйбасти билан намоён бўлмоқда. Ушбу умумхалқ ҳашарида бутун юртдошларимиз қатори O`zLiDeP фаоллари, жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари аъзолари ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ҳар бир маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳаммаслакларимиз ташаббуси яққол намоён бўлаётгани айниқса қувонарли. Уларнинг қалбларидаги кўтаринкилик, кўзларидаги шодлик, лабларидаги табассумни кўриб, «Обод масканда пок одамлар яшайди» деган нақлнинг нақадар ҳаётийлигига яна бир бор амин бўласан, киши.*

*Қолаверса, жойларда Наврўзга, Баҳорга бағишланган турли тадбирлар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ҳам бўлиб ўтмоқда. Анъанага кўра, Наврўз айёми тантаналари ҳали юртимизда анча давом этади.*

*Ушбу шодиёналар эса бугунги ёруғ ва саодатли кунларимизнинг, истиқлолимизнинг, яратувчилик ва бунёдкорликка йўғрилган тинч ва осуда кунларимизнинг қадрига етишга ундайди.*

**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ.**

# МАҚСАДЛИ ВА ИЗЧИЛ ФАОЛИЯТ — МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

**Маълумки, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб келаётган O`zLiDeP ўзининг Сайловолди платформасидаги мақсадларини амалга ошириш ва электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда депутатлик корпусининг самарали фаолиятига таянади. Бу табиий албатта. Чунки, шу механизм орқали жойларда сайловчиларни ўйлантираётган масалалар, тадбиркор ва ишбилармонлар дуч келаётган муаммолар ўз вақтида ечимини топиб бораверади. Буни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.**

**Айни пайтда Тошкент шаҳрида 41 217 та партия аъзоси бор. Улар 1100 та БПТ атрофида жипслашган. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида O`zLiDePдан сайланган 19 нафар депутат фаолият юритаяпти.**



**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr» мухбири

## КИМ ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ?

Таъкидлаш жоизки, депутатлар сайловчилар манфаатларини дадил ҳимоя қилишда ҳудуд билан боғлиқ бўлган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга интилиши, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиши, маҳаллий ижроия ҳокимияти устидан самарали жамоатчилик ҳамда депутатлик назорати ўрнатишда фаоллик кўрсатишмоқда. Хусусан, 2015 йил давомида депутатлик гуруҳи аъзоларига фуқароларни қабул қилиш кунларида келиб тушган 431 та ариза, шикоят ва мурожаатларнинг 400 таси ижобий ҳал этилганлиги фикримиз тасдиғидир. Айниқса депутатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини, айниқса ёшлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар ажратишга қаратилган вазифалар ижроси юзасидан депутатлик назорат таҳлил фаолияти, ижро ҳокимияти идоралари раҳбарларини ҳисоботларини эшитишда ҳам фаол бўлишаётир.

— Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида тўхталмоқчиман, — дейди O`zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Индира Комилова. — Депутат ўзи кўтариб чиқаётган муаммони ниҳоятда пухта билиши керак, албатта. Буни инкор этиб бўлмайди. Бироқ унинг якка ўзи масалага тааллуқли барча маълумотларни тўплаши, тартибга солиши, ўрганиб чиқиши мушкул. Шунинг учун унга партия маҳаллий кенгаши ва бошланғич ташкилотлар ҳам ёрдам бериши лозим деб ўйлайман. Шундагина партиявий механизм имкониятларини тўлароқ ишга солишимиз, қуйи тузилмалар депутатларнинг энг яқин ёрдамчисига айланишига эришишимиз мумкин бўлади. Зеро, партиянинг қуйи бўғини бўлган бошланғич ташкилотлар жойларда электорат манфаатларини ифодалайдилар, депутатлар эса уни амалда ҳимоя қиладилар.

И. Комилованинг таъкидлашича, умуман олганда зиммасидаги масъулиятни яхши англаган депутат ўз ваколати доирасида партия электоратини ўйлантираётган муаммоларни муҳокама этиш, ижро ҳокимияти идоралари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларининг ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳалар ижроси юзасидан ҳисоботларини тинглаш ва уларнинг якунлари бўйича аниқ позицияни белгиловчи амалий таклифлар ишлаб чиқишга катта эътибор қаратмоқда. Бу нимадан далолат? Биринчидан, депутатларда сайловчилар олдидаги масъулият ҳисси янада кучаймоқда. Иккинчидан эса O`zLiDePнинг энг аввало, партиявий кадрлар билан ишлаш, бўлажак депутатлар номзодлигига билимдон, дунёқараши кенг, ўзининг шахсий манфаатларини жамият ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрувчи ҳалол кадрларни илгари сураётганини кўрсатади. Зотан партия ўз олдига қандай катта мақсадларни қўймасин ёки қандай муҳим вазифаларни бажариш эҳтиёжи туғилмасин, гап охир оқибат билимли ва замонавий фикрловчи кадрларга бориб тақалаши турган гап.

## СЎРОВЛАР ТАҚДИРИ

Президентимиз «Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа — қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганлиги устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир», деб алоҳида таъкидлаган эди. Депутатлик сўрови бу вазифани амалга оширишда асосий восита, қонуний механизм ҳисобланади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашида O`zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан ҳам бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, олиб борилган мониторинг натижалари бўйича депутатлар томонидан 112 та депутатлик сўровлари юборилган бўлиб, шундан қонунлар ва давлат қарорлари ижросининг депутатлик назорати тартибида 67 та, фуқаролар мурожаатларидаги масалаларни ечиш тартибида 45 та сўров юборилган. Назорат шаклида Халқ депутатлари кенгаши сессиялари муҳокамасига 13 та таклиф киритилиб, унинг 9 таси кўриб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида кўплаб хайрли ишларни амалга ошираётган депутатлар ҳам, депутатлик сўровларига ўз вақтида муносабат билдираётган раҳбарлар ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Лекин, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, мазкур йўналишда учраб турган баъзи камчиликлардан ҳам кўз юммаслик керак. Яъни айрим мутасадди идоралар томонидан депутатлик сўровларига эътибор суст эканлиги намоён бўлмоқда. Бизнингча, бундай ҳолатда яъни бирон-бир мутасадди ташкилот раҳбари қонун талабларига амал қилмаётган, сайловчи ёхуд партия электорати талабига бефарқлик қилаётган экан, депутатларнинг ўзи уларнинг ҳатти-ҳаракатларига муносабат билдиришлари керак. Мазкур вазиятда айниқса, ОАВ ёхуд партия нашрида ана шундай лоқайдликка жавоб қайтариш мехнизмидан фойдаланилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Бунда, энг аввало, сайловчи, электорат вакиллари манфаатлари таъминланади. Умуман олганда, барча муаммонинг ечимини топиш мумкин. Фақат унга масъулият билан ёндашиб, ҳар тарафлама ўйлаб иш тутиш талаб этилади холос.

Шунингдек, партия гуруҳи ташаббуси билан 2015 йил давомида Халқ депутатлари кенгашлари доимий комиссиялари йиғилишларига 15 та таклиф киритилди.

***— Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида тўхталмоқчиман. — дейди O`zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Индира Комилова. — Депутат ўзи кўтариб чиқаётган муаммони ниҳоятда пухта билиши керак, албатта.***

## ЭЛЕКТОРАТГА ЭЪТИБОР

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, жумладан, депутатлик сўровлари ва улар ижросини таъминлаш, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ ўтган йили 30 га яқин тадбиркорлик субъектига кредит олишда кўмаклашилди. 51 та тадбиркорлик субъектига рисоладагидек фаолият юритиши учун ёрдам берилди яъни уларнинг муаммосини ҳал қилишда тегишли ташкилотларга 12 та депутатлик сўрови жўнатилди. Шу билан бирга ёпилиш арафасида турган 3 та «Беминнат савдо», «AVTO-FORSAJ» ҳамда «OM-AK-NUR-BIZNES» масъулияти чекланган жамиятларининг фаолияти атрофлича ўрганилиб, уларга ҳам назарий ҳам амалий кўмак берилди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида инвестиция лойиҳаси дастурига киритилган озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи лойиҳа ташаббускорлари томонидан тижорат банкларидан кредит олишнинг амалдаги ҳолати юзасидан Тошкент шаҳар инвестиция бошқармасининг ахбороти олинди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида имтиёзли кредит қатнашчилари, хусусан озиқ-овқат ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар белгиланган муддатларда ишга тушириш учун банкларнинг кредит ажратиш муддатларини чўзиб юборганликлари маълум бўлди. Шундан сўнг банкларга ушбу масала юзасидан 20 та оғзаки ва ёзма депутатлик сўрови юборилиб, қисқа муддатда 15 та масала ўз ечимини топди.

Қолаверса, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, уларга тўлиқ эркинлик бериш, кичик бизнесни мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини янада кенгайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Монополиядан чиқариш ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ва Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармалари мутасаддиларининг, ҳамда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг пойтахтимиздаги ижроси юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғининг, ҳамда қатор тижорат банкларининг тадбиркорлик, жумладан унинг оилавий кўринишини ривожлантириш учун тақдим этаётган кредитлари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Бир сўз билан айтганда, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашида O`zLiDeP депутатлик гуруҳи мақсадли ва изчил фаолият юритмоқда. Бу эса ўз навбатида партия Устави ва Сайловолди платформасида белгилаб олинган вазифалар ижросининг самарали усулларини ифода этиш, электорат манфаатини рўёбга чиқариш ва сессиялар кун тартибига долзарб масалаларни киритиш имконини бераётир.

**Кўзгуда — Жиззах вилояти**

# Имтиёзлар кўлами кенгаймоқда

МАМЛАКАТИМИЗДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ, ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙГАН ЁШ ТАДБИРКОРЛАРГА МОЛИЯВИЙ КЎМАК БЕРИШ МАСАЛАСИГА УСТУВОР АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛМОҚДА

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида ҳам ушбу жиҳатлар алоҳида тилга олинди. Унда тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш ҳолати юзасидан мутасадди ташкилот раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

— Бугун мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлар қамрови кенгайиб бормоқда, — дейди Жиззах шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари О. Раҳмонов ўз ҳисоботида. — Айникса, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Боиси, мазкур фармон тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни бартараф этишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Айникса, хусусий мулк дахлсизлиги, тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклаш ҳамда бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш борасида кичик тадбиркорлик субъектларида ҳар 4 йилда, қолган субъектларда 3 йилда бир марта режали текшириш ўтказиш белгиланганлиги ҳамда солиқ ҳисоботини топшириш 3 маротабага қисқартирилгани соҳани янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётир. Бизнингча, қонунчиликдаги бу каби меъёрлар хусусий мулк устуворлиги принципига тўла мос бўлиб, амалда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига хизмат қилади.

Тадбир давомида хусусий мулк ҳуқуқи, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда маъмурий ҳамда назорат органлари фаолиятини янада кучайтириш, соҳага оид қонун нормаларини қўллашда суд ҳокимиятининг ролини ошириш, шунингдек, давлат органларининг рухсат бериш ва лицензиялашнинг барча тартиб-тамойилини соддалаштириш борасидаги ишлари атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилиш якунида муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан партия депутатлик гуруҳининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Акрам ШАҲАРОВ,**
**O`zLiDeP вилоят кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири.**

# Лойиҳалар ижроси назоратда

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАНИДЕК, O`ZLIDEP ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ, ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ ВА БУ ЖАРАЁНДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАДИ.

Шундан келиб чиққан ҳолда, партиямизнинг 2016 йилга мўлжалланган ҳаракат режаси асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайтириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият кўрсатишига кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши томонидан ҳам тадбиркорлик субъектлари, фермер ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида жорий йилда умумий қиймати 17 млрд. 921 млн. сўмлик 65 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш орқали жами 467 та янги ишчи ўрни яратиш, шунингдек, 1600 та кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этиш эвазига 9640 та қўшимча янги иш жойи очиш режалаштирилган.

Маҳаллий кенгашлардаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари эса ана шу истиқболли лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан назорат ўрнатиб, мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш, улар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юбориш, депутатлик гуруҳи эшитувларини ташкил қилишга жиддий эътибор қаратишяпти. Бу борада O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгашининг қарори билан ҳар бир лойиҳага вилоят, туман (шаҳар) кенгашларига партиямиздан сайланган депутатларнинг масъул этиб бириктирилгани ўз самарасини бермоқда.

• • •

Жиззах туманидаги «Қудуқча» фермер хўжалиги раҳбари Дилрабо Босимова 18 йилдирки, ғалла етиштириб, халқимиз дастурхонига файз-барака киритиб келаётган партиядошларимиздан бири. 79 гектар лалми ерга уруғ сочиб, шартнома режасини зиёдаси билан бажариб келади. Экин майдонлари катта йўлга яқинлиги боис автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасини ишга туширди. 6 нафар ҳамқишлоғини иш билан таъминлади. Бундан ташқари, ўтган йили тўрт нафар коллеж битирувчисини ишга олди. Айни пайтда фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида ҳудуддаги 0,15 га ер майдонига йўловчилар учун дам олиш маскани — меҳмонхона қуриш ҳаракатида елиб-югуряпти.

Дилрабо фермер хўжалигидаги O`zLiDeP бошланғич ташкилотига ҳам ўзи бош-қош. Мазкур БПТ туманимиздаги энг намунали қуйи бўғинлардан бири ҳисобланади. Ташкилот аъзолари сони ҳам мунтазам ортиб бораяпти.

**Акбар ЯКУБОВ,**
**O`zLiDeP вилоят кенгаши Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири.**

**O`zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ташаббуси билан жойларда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, яқинда Жиззах туманида бўлиб ўтган «Тадбиркор, ташаббускор аёлларимиз!» номли тадбир ҳам бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг узвий давомидир.**

— «Қуш тилини қуш билади» деганларидек, аёл дардини, ўйу хаёлини авваламбор, аёллар яхши тушунади. Шу сабаб, тадбиримизга туманда ўз меҳнати билан обрў-эътибор топган, эл назарига тушган тадбиркор ва ишбилармон аёлларни таклиф этдик. Учрашувга ташриф буюрган кўплаб қишлоқ аёллари, қизлар улар билан самимий мулоқот қилишди, — дейди партия ҳудудий ташкилотининг «Аёллар қаноти» раҳбари Шоира Ҳасанова. — Қувонарлиси, тадбир давомида иштирокчилар нафақат ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, балки ўзаро ҳамкорлик тўғрисида ҳам келишишди.

— Мен қуёнчилик соҳасини ривожлантиришга оид бизнес-режа устида иш олиб бораяпман, — дейди O`zLiDeP аъзоси, тумандаги маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Нигора Абдуқаҳҳорова. — Бугунги тадбирда бизнесимни йўлга қўйиш юзасидан мутахассислар ва тажрибали ишбилармон опаларимиздан кўплаб маслаҳатлар, йўл-йўриқлар олдим.

Таъкидлаш жоизки, бундай тадбирларни вилоятнинг бошқа туманларида ҳам мунтазам ўтказиб бориш режалаштирилган.

**Ўз мухбиримиз.**

# Назария ва амалиёт уйғунлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА МАХСУС ЎҚУВ КУРСЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. УНДА ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН БАРЧА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ҲАМДА ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИДАГИ ЁШ КАДРЛАРИ ЎЗ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШЯПТИ.



**Нуриддин НОРҚУЛОВ, O`zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари ўринбосари:**

— Ўзига хос тарзда ўтаётган ўқув жараёнларида юртимизнинг таниқли давлат ва сиёсат арбоблари, сенатор ҳамда депутатлар, малакали профессор ўқитувчиларнинг илғор педагогик технологиялар асосида дарс ўтиши, тингловчиларни услубий қўлланмалар билан таъминланиши менда катта таассурот қолдирмоқда.

Йўналишимиздан келиб чиқиб, сиёсий партиялар рақобати, ташвиқот-тарғибот ишларининг шакллари ва усуллари, сайлов қонунчилиги, қуйи бўғинлар фаолиятини самарали ташкил қилиш, нотиқлик маҳорати, бошқарувда қарорлар қабул қилиш, таҳлилий материалларни тайёрлаш методологияси ҳамда парламент назорати бўйича ўз билимларимизни бойитиб боряпмиз.

Энг асосийси, ўз иш фаолиятимга оид бўлган сиёсий таълим жараёнлари, уни ташкил этиш ва самарадорлигини оширишда янги технологиялардан фойдаланиш, партия электорати ва жамоатчилик билан ишлашнинг замонавий механизмларини пухта ўзлаштиряпман.

**Қутлибай БЕКНАЗАРОВ, O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири:**

— Тингловчилар 30 га яқин мавзудаги назарий ҳамда амалий машғулотларни яхши ўзлаштириши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Мазкур имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда қонун ижодкорлиги ҳамда парламент фаолиятини бевосита кузатиш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида иштирок этдик. Халқ манфаатлари йўлида олиб боралаётган сиёсий жараёнлар, хусусан, қонун лойиҳасининг тайёрланиши, биринчи, иккинчи ва учунчи ўқиш давомида билдириладиган фикр-мулоҳазалар, соҳа мутахассисларининг таклиф ва тавсиялари, қўмиталар ва сиёсий партия фракциялари фаолияти билан яқиндан танишдик.

**Шокиржон МАВЛОНОВ, O`zLiDeP Боғот туман Кенгаши Бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш бўйича бош консультанти:**

— Партия нуфузининг ортиб бориши кўп жиҳатдан кадрларга боғлиқ. Айниқса, партиянинг мақсад ва вазифаларини бажаришда қуйи бўғин аппарати ходимларининг зиммасига катта масъулият юкланади. «Сиёсий партиялар қуйи бўғинлари фаолиятини самарали ташкил қилиш йўналишлари» мавзуида ўтказилган машғулотларда БПТ фаолиятини кучайтириш учун айни вақтда уларнинг салоҳиятига холисона баҳо бериш ва ривожлантириш, улар билан партия раҳбар органларининг доимий алоқасини йўлга қўйиш масалалари юзасидан катта сиёсий билимга, тажрибага эга бўлган устозлар томонидан таклиф ва тавсиялар берилди.

**Маҳмуд ИНОЯТОВ, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ташкилий-партиявий ишлар бўлими депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори бош консультанти:**

— Сиёсий партиялар фуқаролик жамияти институтларининг энг фаол, етакчи, ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Ўз навбатида, ҳар қандай партия аниқ ижтимоий қатламнинг манфаат ва интилишларини ифода этувчи ва унинг тарғиботчиси ҳамдир. Шу маънода малака ошириш курсида сиёсий партияларнинг ўз дастурий вазифаларини амалга оширишларида фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг шакллари, тарғибот-ташвиқот ишларини янги босқичга олиб чиқиш борасида замонавий билимларга эга бўляпмиз.

Машғулотлар чоғида ўз олдимга бир қатор мақсадларни белгилаб олдим. Хусусан, электорат, БПТ ва партия депутатлик гуруҳлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, жойлардаги ечимини кутаётган муаммоларни ўрганиш, сиёсий билимлари юқори бўлган партия фаолларининг куч-ғайратидан унумли фойдаланишимиз зарур. Шундагина, сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда биз ўз ортимиздан кўплаб хайрихоҳларни эргаштириб, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қила оламиз.

**Дилафруз ИСМОИЛОВА, O`zLiDeP Зангиота туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:**

— Мазкур ўқув курси ҳуқуқий-сиёсий онги юксак, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида либерал ғояларни сингдира оладиган, мамлакат келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган сиёсий партияларнинг янги авлод кадрларини тарбиялашга қаратилган.

Ҳар бир тингловчи ўз фаолиятини ривожлантириши учун тегишли хулосалар ва тавсияларга эга бўлмоқда. Жумладан, фаолиятимизда юзага келган айрим масалалар дарслардаги мунозара ва баҳсларда ўз ечимини топганлиги мени жуда ҳам қувонтирди.

Алоҳида қайд эиш керакки, мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партия вакиллари билан нафақат бир аудиторияда таҳсил оляпмиз, балки ўз партиямиз Сайловолди дастурларида белгилаб олган мақсад ва вазифаларимизни амалга оширишдаги тажрибаларимиз, ғояларимиз, таклифларимиз билан ҳам ўртоқлашяпмиз. Мазкур ўқув жараёнларини ўзига хос мунозара майдонига қиёслаш мумкин.

**Сайёра АСРАНОВА.**

**Қарши шаҳрида «Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча тўсиқ ва чекловларни бартараф этишга қаратилган қонунчиликни мустаҳкамлашда O'zLiDePнинг иштироки» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Анжуманда Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони айни йўналишдаги ишларга дастуриламал бўлаётгани алоҳида эътироф этилди.**

# Ноқонуний текширишларга йўл қўйилмаяпти

**Сайфулла ИКРОМОВ,** «XXI asr» мухбири

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияси котиби Илҳом Саломовнинг таъкидлашича, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча тўсиқ ва чекловларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг биринчи ярмида 9 та ноқонуний текшириш ўтказилганлиги аниқланган бўлса, ҳудудий комиссия томонидан олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида йилнинг иккинчи ярмида бирорта ҳам ноқонуний текширишга йўл қўйилмади.

Ўтган йили вилоят ҳудудий комиссияси 370 та кўргазмада тадбиркорлик субъектларига иш жараёнида фойдаланиш учун 208 турдаги 24,5 мингдан ортиқ қўлланма тарқатди. 2128 марта «Очиқ эшиклар куни» ташкил қилинди. Шунингдек, «Ишонч телефони»га келиб тушган 933 та масала ижобий ҳал этилди. Жорий йилда вилоятда фаолият кўрсатаётган 19 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг атиги 1,6 фоизида режали текшириш ўтказиш белгиланган, холос. Текширишларни тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, ўтган йили 2014 йилга нисбатан текширишлар сони 74 тага қисқартирилди. Солиқлар ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган 48 та тадбиркорлик субъекти 2015 йилги текшириш режа-жадвалидан чиқарилди.

Савдо саноат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мансур Назаровнинг эътироф этишича, мазкур палата томонидан тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, миллий маҳсулотлар экспортини қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш борасида бир қатор хизматлар кўрсатилди.

Ҳудудий бошқарма ўтган йил мобайнида тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб судларга 5885 та даъво аризаси киритган ва уларнинг барчаси қаноатлантирилган. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорларни янгиликлардан доимо хабардор қилиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Инфокиоск (маълумот киоскалари) www.biznesinfo.uz портали, UzSAT мобиль хизмат дастури, шунингдек, тадбиркорларнинг таклиф ва муаммоларини тез ўрганиш мақсадида ташкил этилган CISCO тизимли телефон тармоғи мунтазам ишлаб турибди.

– Янги иш ўринлари ташкил қилиш, аҳолининг даромадларини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга катта аҳамият берилаётгани бизни жуда қувонтиради, – дейди Китоб туманидаги «Севаз-Андроникс» жамияти раиси, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати Алишер Бойқараев. – Туманимизда юзга яқин фермер хўжалиги мева-сабзавот ва узумчиликка ихтисослашган бўлиб, илгари уларда етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш ва сақлаш йўлга қўйилмаганлиги боис нобуд бўлар, дала меҳнаткашлари қилган меҳнатларига куйиб қолишарди. Давлатимиз раҳбарининг қарорлари асосида замонавий технологиялар келтирилиб, бу маҳсулотларни қайта ишлаш ва экспортга чиқариш имкони вужудга келди. Бундан ўн йил муқаддам мен ҳам тадбиркорликка қўл уриб, Австриянинг «Бухер» инженеринг компаниясининг бир кеча-кундузда 15 тонна олмани қайта ишлайдиган технологиясини олиб келиб ўрнатдим. Дастлаб қишлоғимиздаги 50 нафар ёшни иш билан таъминладим. Бугунги кунда жамиятимизда ишловчилар сони 400 нафардан ошиб кетди. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Мулоқот давомида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутасадди ташкилотларнинг масъул ходимлари томонидан батафсил жавоблар қайтарилди.

# «Бугуннинг аёли эканлигимдан фахрланаман»

ЮРТБОШИМИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА ЙЎЛЛАГАН БАЙРАМ ТАБРИГИНИ ТИНГЛАБ, ШУНДАЙ ГЎЗАЛ ДИЁРНИНГ БАХТЛИ АЁЛЛАРИДАН БИРИ ЭКАНИМДАН КЎКСИМ ФАХР-ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИГА ТЎЛДИ. БИЗГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЮКСАК ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ, БИЛДИРИЛАЁТГАН КАТТА ИШОНЧ ДУНЁНИНГ БОШҚА БИРОР ДАВЛАТИДА БЎЛМАСА КЕРАК.



**Умида ЭГАМОВА,** O`zLiDeP Олтинкўл туман Кенгаши раиси, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, «Қуҳна Водий гавҳари» фермер хўжалиги раҳбари

Яратганга шукрки, мустақиллик оналаримизга, омилкор аёлларимизга кенг имкониятлар яратди. Айниқса, илғор фермер аёлларимизни кўрмайсизми! Пахта, галла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш бўйича давлат режасини ошиги билан бажариб, ҳалол даромади эвазига дангиллама уйлар қураётган, замонавий машиналар миниб, тўйлар қилаётган юртдошларимизни кўрганда қалбим тогдек кўтарилади. Ана шундай бунёдкор инсонлар туфайли эл-юртимиздан қут-барака аримаяпти.

Узоққа бормайлик, биргина 2015 йилнинг ўзида тадбиркор аёллар учун ажратилган кредитлар миқдори 1 триллион 255 миллиард сўмни ташкил этди. Бунинг самарасида қанчадан-қанча янги иш ўрни яратилганини кўз олдингизга келтиринг. Қолаверса, 4 минг 550 дан зиёд фермер хўжаликларини хотин-қизлар бошқариб келаётганига нима дейсиз! Бу шунчаки рақамлар эмас. Унинг замирида тинимсиз меҳнат, ишбилармонлик, қатъиятлилик, келажакка ишонч ётади. Айтинг-чи. юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган бундай эътиборни кўриб шукр қилмай бўладими?

Айни пайтда фермер хўжалигимизда 40 нафар ишчи меҳнат қилади. Улар турмушидан мамнун. Бир ёқадан бош чиқариб ўтган йили пахта ва ғалла режасини 110 фоизга бажардик. Икки гектар майдонда боғдорчилик билан шуғулланяпмиз. Етти хазинанинг бири бўлган балиқ парваришлашни хам йўлга қўйганмиз. Ўтган йили бозорларимизга 6 тонна балиқ чиқарган бўлсак, жорий йилда бу кўрсаткични 8 тоннага етазмоқчимиз. Шунингдек, хориждан наслли қорамол олиб келиб, чорвачиликни ҳам ривожлантириш ниятимиз бор.

Ҳа, истиқлол йилларида аёлларнинг хар жабхада фаоллашгани амалда кўринаяпти. Хусусан, тадбиркорлик соҳасида хам. Қатъий ишонч билан иш бошлаган опа-сингилларимиз юртимизда ниҳоятда кўп. Бугунги кунда улар томонидан гўзаллик салони ёки тикувчилик цехининг очилиши одатий бир холга айланди. Ҳеч ким бунга ҳайратланмай қўйди. Айниқса, O`zLiDeP Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан жойларда ўтказилаётган таргибот-ташвиқот тадбирлари натижасида кўплаб хотин-қизларимиз кўнглида тугиб қўйган ниятларини рўёбга чиқариб, янги иш бошлашга ўзларида ирода, куч топмокдалар.

# Ғояга қарши ғоя

O`zLiDeP НУКУС ШАҲАР КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН КЕРДЕР САНОАТ-ТРАНСПОРТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА «ХАВФСИЗ ИНТЕРНЕТ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА «ИНТЕРНЕТ ВА ЁШЛАР» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

— Навқирон авлод вакилларида интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири, — деди O`zLiDeP Нукус туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Менлимурат Ташимов. — Мафкуравий хуруужлар балосидан сақланиш учун ҳар бир юртдошимиз, айниқса, ёшлар турли-туман ахборотларга масъулият билан ёндашиши, барча маълумотларни ақл-заковат чиғириғидан ўтказиши талаб қилинаётир.

— Интернет энг оммабоп ва тезкор ахборот тарқатиш воситасига айланди, — дейди халқ депутатлари Нукус туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Абдималик Хўжаназаров. — Йигит-қизларимиз ижтимоий тармоқлардан оқилона фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўларди. Партиямиз «Ёшлар қаноти» томонидан бу борада фаол иш олиб борилмоқда. Зеро, глобаллашув жараёни чуқурлашаётган бир шароитда ёшларни «ўргимчак тўри»нинг салбий таъсиридан асраш партия вакилларининг бурчи ҳисобланади. Сафдошларимиз саъй-ҳаракати билан ташкил этилаётган тадбирлар, давра суҳбатлари ва мулоқотларда ёшларда Ватанга муҳаббат, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантиришга бирламчи вазифа сифатида қаралаётир. «Интернет-кафе»ларга кирувчиларга инсон онгига салбий таъсир кўрсатувчи ўйинлар, видеосайтлар ва бошқалардан фойдаланмаслик тавсия қилинмоқда.

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот хизмати.**

# ҲУДУДЛАРДАН хабарлар

«Либерализм дарслари» ўқув-курслари доирасида O'zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши томонидан «Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари бажарилишида O`zLiDeP тузилмалари ва депутатларининг муҳим вазифалари» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Машғулотларда мулк эгалари, хизмат кўрсатиш соҳаси вакилларининг қонуний манфаатларини ифода этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида партиянинг барча бўғинлари фаолиятини муттасил яхшилаб бориш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, халқ депутатлари вилоят кенгашига сайланган 24 нафар, туман ва шаҳарлар кенгашларига сайланган 130 нафар депутат Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаларида белгиланган вазифаларга катта масъулият билан ёндашишлари кераклиги хусусида атрофлича сўз юритилди.

Семинар-тренингда иштирокчилар 3 гуруҳга бўлинган ҳолда амалий машғулот ўтказдилар. Уларда таъсирчан депутатлик назоратини ташкил этиш, жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда самарали усулларни қўллаш ва бошқа масалалар юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишди.

* * *

Марғилон шаҳар «Ҳунарманд» уюшмасида фаолият юритаётган O`zLiDeP қуйи бўғини раиси Расулжон Мирзааҳмедов ташаббуси билан ҳунармандлар томонидан яратилган, баҳор фасли учун мўлжалланган энг сара миллий либослар кўргазмаси ўтказилди. Тадбирда Меҳнат фахрийлари, партия фаоллари, ҳудуддаги БПТлар етакчилари, тадбиркорлар, «Иқбол» МФЙ фаоллари иштирок этдилар.

— Истиқлол туфайли маданиятимиз ва санъатимизни, ҳунармандчилигимизни дунёга кўрсатиш, тарғиб қилиш имконияти туғилди, — дейди уюшма раиси, БПТ етакчиси Р. Мирзааҳмедов. — Ушбу кўргазма касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан тайёрланган маҳсулотларни намойиш қилиш, истеъдод эгаларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, ёш авлод қалбида халқ амалий санъатига меҳр-муҳаббатни камол топтириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Тадбир давомида O`zLiDeP аъзоси, тадбиркор Абдунаби Тоштемиров, «Ёдгорлик» МЧЖ ходими Осиё Мажидова томонидан тайёрланган кўркам либослар алоҳида эътироф этилди.

* * *

Қўшкўпир туманида O`zLiDeP Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан «Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш йўлида яратилган шарт-шароитлар ва улардан самарали фойдаланиш масалалари: эришилган натижалар ҳамда навбатдаги вазифалар» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда оилада соғлом маънавий муҳитни яратиш, ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан тарбиялаш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш, хотин-қизлар ўртасида репродуктив саломатликни сақлаш, тадбиркор аёллар сафини янада кенгайтириш каби масалалар муҳокама этилди. Тадбир сўнггида O`zLiDeP «Аёллар қаноти» томонидан амалга оширилиши лозим бўлган галдаги вазифалар белгилаб олинди.

* * *

«Ташаббус-2016» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда илғор натижаларга эришган, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш соҳаларида ташаббус кўрсатаётган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган, маънавий-маърифий савияси юксак юртдошларимиз қатнашди.

Қайд этиш зарурки, йигирманчи маротаба ўтказилаётган кўрик-танловнинг вилоят ва туман (шаҳар) босқичларида жами 393 та субъект иштирок этди. 170 нафар тадбиркор, 97 фермер ва 126 ҳунарманднинг кўргазмалари билан 3200 дан ортиқ киши танишди. Пировардида 50 нафар қатнашчи вилоят босқичига йўлланма олди. Улар учта асосий йўналиш — «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери», «Йилнинг энг яхши ҳунарманди», шунингдек, «Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори», «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор», «Менинг юртим – менинг ифтихорим», «Энг яхши оилавий бизнес соҳиби» каби қўшимча номинациялар бўйича беллашдилар.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, Янгийўл туманидаги «MASTER GLOBAL PLUS» МЧЖ раҳбари Одилжон Собиржонов «Йилнинг энг яхши тадбиркори», Бекобод туманидаги «BEKOBOD QO`RG`ONI» фермер хўжалиги бошлиғи Исматилла Дадабаев «Йилнинг энг яхши фермери» ва Юқори Чирчиқ туманида иш юритувчи Муроджон Ўрмонов «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналишларида ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олдилар.

**«XXI asr» мухбирлари ва партия матбуот хизмати хабарлари асосида тайёрланди.**



**O`zLiDeP Юнусобод туман Кенгаши БПТлар билан ишлаш бўйича бош консультанти Нигора Нигматиллаеванинг маълум қилишича, шу кунгача ҳудуддаги 137 та қуйи бўғиннинг 60 тасида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. 56 та таянч тузилма етакчилари қайта сайланган бўлса, 4 та бошланғич ташкилот раиси алмаштирилди.**



## Кучимиз — электорат билан ҳамнафасликда

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr» мухбири

Хусусан, «Чинобод санаторияси» акциядорлик жамиятида фаолият юритаётган O`zLiDeP бошланғич ташкилотида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида «Ўтган йили бошланғич ташкилот ўз зиммасидаги ишларни қай даражада уддалай олди?», «Фаолиятни такомиллаштириш, электорат ичига чуқурроқ кириб бориш, демакки, одамлар ишончига кўпроқ сазовор бўлиш учун нималарга эътибор беришимиз керак?» сингари долзарб саволларга жавоб изланди.

Қуйи бўгин етакчиси Ваҳобжон Тажибаев ўтган йил натижаларини сарҳисоб қилар экан, партия Юнусобод туман кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот тадбирлари изчил амалга оширилиб, муайян натижалар қўлга киритилганини қайд этди. Бу жараёнда замонавий, интерфаол усуллар қўлланилишига ҳам алоҳида эътибор берилаётгани диққатга молик.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2015 йилда ўзаро савол-жавоб, фикр алмашув, қизғин баҳс-мунозара руҳида 30 дан ортиқ учрашув, давра суҳбати ва очиқ мулоқот бўлди. Зеро, мазкур тадбир ва мажлисларда нафақат партия фаоллари, депутатлар, маҳаллий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, балки тингловчи сифатида таклиф этилганлар ҳам сўзга чиқиб, давлатимиз мустақиллиги шарофати билан вужудга келган беқиёс имкониятлар, O`zLiDeP-нинг мамлакатимиздаги туб ислоҳотларга ҳамоҳанг изчил фаолиятига тўхталдилар, жонли, ҳаётий мисоллар келтириб, керак бўлса, мунозарага киришди. Бундай янгича ёндашувлар тадбирлар таъсирчанлиги, самарадорлиги ошишига хизмат қилаётир. «Кексалари эъзоланган юрт», «Ватан ягонадир», «Муқаддас аёл», «Меҳрдан олам мунаввар», «Чинобод баҳори — 2015», деб номланган тадбирларда республика Маънавият тарғибот маркази вакиллари, олимлар маърузалар ўқидилар, турли-туман саволлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар. БПТ фаоллари Фарғона вилоятида ташкил қилинган «Вояга етмаганларни турли маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари» мавзуидаги туркум семинарларда тарғиботчи сифатида қатнашганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Таянч тузилма ташаббуси билан маҳаллаларда нуронийлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилгани эса жойларда партиямиз нуфузини янада оширди.

— Тадбирлар чоғида ҳамюртларимизнинг сиёсий дунёқараши юксалганига яна бир карра амин бўлдик, — дейди БПТ фаолларидан бири Абдували Носиров. — Эътиборлиси, фуқароларнинг аксарияти партиямиз ташаббуслари, лойиҳалари, илгари сураётган асосий ғоялари билан у ёки бу даражада таниш. Айниқса, ёшлар мамлакатимизнинг ёрқин келажагини яратишда тадбиркор ва фермерларнинг ўрни ва аҳамиятини теран англаб, тушуниб етгани қувонарлидир.

Бундай учрашувларда танқидий мулоҳазалар ҳам билдирилди. Масалан, партиямиздан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари ва айрим бошланғич ташкилотларнинг фаоллик кўрсатмаётгани, ҳатто уларни танимасликларини айтишди. Ҳолбуки, гувоҳ бўлганимиздек, кишилар депутатларимиз билан бевосита гаплашишга, талай масалаларда уларнинг нуқтаи назарини билишга астойдил қизиқишаяпти. Биз шу сингари камчилик-нуқсонларни, айни пайтда билдирилаётган мурожаат, таклиф ва тавсияларни алоҳида қайд этиб бораяпмиз. Албатта, бундан тегишли хулосалар чиқарамиз, партия ҳудудий ташкилоти, депутатлик гуруҳи ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда хатоларни бартараф этамиз. Шу ўринда таъкидлашни истардимки, сиёсий партиянинг кучи сайловчилар, электорат вакиллари билан ҳамнафаслигида, оммага яқинлигидадир.

Бошланғич ташкилотнинг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли, деб топилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўрилди. В. Тажибаев БПТ раислигига қайта сайланди. Партия туман ташкилоти раисининг биринчи ўринбосари Дилбар Зайнутдинова таянч бўғиннинг ёш, иқтидорли, ташаббускор аъзоларидан бири — Камола Ташмухамедовани раис ўринбосарлигига номзод сифатида тавсия қилди. Иштирокчилар кўрсатилган номзодни маъқулладилар.

Мажлисда ҳозир бўлганлар бошланғич ташкилотнинг жорий йилга мўлжалланган иш режаси билан ҳам атрофлича танишиб, муҳокама этдилар. Унга айрим ўзгартишлар киритилди. Масалан, Соғлом она ва бола йили муносабати билан «Оқтепа», «Отчопар-1» ва «Отчопар-2» маҳаллаларида яшовчи муҳтож оилалар аъзоларини бепул тиббий кўрикдан ўтказишга келишиб олинди.

БПТ йиғилишида, шунингдек, ўтган йили йўл қўйилган баъзи нуқсонларни бартараф этиш, тарғибот ишларини белгиланган режага қатъий риоя этган ҳолда олиб бориш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

## Кўргазмали материаллар — ғоявий таъсир воситаси

### 2015 ЙИЛ O`ZLIDEP ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ УЧУН ҲАР ЖИҲАТДАН САМАРАЛИ БЎЛДИ



Ўтган йил мобайнида ҳудудда партия аъзолари сони яна 5448 нафарга кўпайиб, жами 40560 нафарга етди. Ғоявий-сиёсий фаолият ўчоғи саналган бошланғич ташкилотлар эса 42 тага ортиб, умумий сони 765 тани ташкил этди. Эътиборлиси, бугун вилоятдаги партиядошларимизнинг 16 мингдан зиёди ёшлар, деярли 15 минг нафари аёллар, 10 мингга яқини хусусий сектор вакилларидан иборат. Партия қуйи бўғинларининг салкам 400 таси турли тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларида тузилганини ҳам алоҳида қайд этиш зарур. 142 та БПТга ёшлар, 162 та партия таянч бўғинига эса аёллар раислик қилаётир.

Ана шу ижобий натижаларда бошқа талай муҳим омиллар қаторида ўзига хос ғоявий таъсир қуроли — кўргазмали воситаларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Зеро, тадқиқотчиларнинг айтишича, инсон ахборотнинг қарийб 80 фоизини айнан кўз орқали қабул қилади. Бинобарин, ўтган йил вилоятдаги тузилмаларни партиявий тарғибот воситалари, кўргазмали стендлар билан таъминлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилинганди. Унинг ижроси бўйича изчил иш олиб борилди. Шу кунгача O`zLiDeP вилоят кенгаши, унинг туман ва шаҳар бўлимлари ҳамда 200 дан ортиқ бошланғич ташкилот кўргазмали воситалар билан янгидан ёки қайта жиҳозланди.

Мамнуният билан қайд этиш кераки, хусусан, БПТ хоналарига ўрнатилган кўргазмали ташвиқот материалларидан партиямиз шиорлари, олиб борилаётган ишларга оид ахборотлар, партия юқори органларининг қарорлари, O`zLiDeP тарихига оид саналар, таянч тузилма фаолияти акс этган фотолавҳалар, партия туман(шаҳар) кенгаши масъул ходимлари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари, бошланғич ташкилотлар сони ва бошқа кўплаб факт ҳамда рақамлар, ҳаттоки, бошланғич ташкилот аъзоларининг таваллуд саналари ҳам ўрин олган.

Буларнинг барчаси одамларнинг партиямиз хусусидаги тасаввури бойишига, O`zLiDeP нуфузи мустаҳкамланишига, хайрихоҳларимиз кўпайишига хизмат қилади.

**Исмоил РАЖАМАТОВ,**
**O`zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши Мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири.**

### O`zLiDeP УСТАВИДАН

«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ВАКОЛАТЛАРИ:

— БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ РАИСИ ВА УНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ, УЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИНИ ТИНГЛАШ ВА ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ;

— ПАРТИЯНИНГ ТЕГИШЛИ ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИМИ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ДЕЛЕГАТЛАРНИ САЙЛАШ;

— ПАРТИЯНИНГ ТЕГИШЛИ ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТАРКИБИГА КИРИТИЛАДИГАН БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ВАКИЛИНИ САЙЛАШ ВА УНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ;

— БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ КЕНГАШИНИ ЗАРУРАТ БЎЛГАНДА САЙЛАШ, УНИНГ ТАРКИБИНИ БЕЛГИЛАШ, КЕНГАШ ҲИСОБОТИНИ ТИНГЛАШ ВА ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ;

— ПАРТИЯНИНГ ТЕГИШЛИ ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИМИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ВА КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН БОШҚА ВАКОЛАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ.

## Депутат ваколати ва БПТ салоҳияти

**Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини доимий иш билан таъминлаш учун янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолидан тушган мурожаатларни ҳал қилиш, тадбиркорлар ва фермерларга яқиндан ёрдам бериш Каттақўрғон туманидаги бошлангич ташкилотлар фаоллари ҳамда депутатларнинг асосий вазифасига айланган. Масалан, Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти тасарруфидаги Каттақўрғон ўқув-спорт техник клуби раҳбари, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Рўзимурод Жўраев етакчилик қилаётган таянч тузилма бу борада ўрнак кўрсатмоқда.**

**Ўз мухбиримиз**

— O`zLiDeP қуйи бўғини ўтган йили ташкил этилган, — дейди Р. Жўраев. — Дастлаб аъзолар 21 нафар эди. Ҳозирга келиб яна ўн нафарга кўпайди. Шу ўринда аъзоларимиз орасида мутахассислар билан бирга тадбиркорлар ва фермерлар ҳам борлигини қайд этиш жоиз. Бу эса айни муддаодир. Чунки улар хусусий сектор вакилларининг ўй-ташвишларини яхши англайдилар. Айтайлик, маслакдошларимиз — якка тартибдаги тадбиркорлар Шерзод Тўхтаев ҳамда Исом Абдураҳмоновлар таклифи билан Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятини ишбилармонларга тушунтириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди.

Бошланғич ташкилот аъзолари томонидан ўрганилиб, депутатга тақдим этилган масалалардан бири халқ депутатлари Каттақўрғон туман кенгаши сессияларидан бирида кўриб чиқилгани эътиборга молик. Унда айрим ёшларнинг коллежни битириш арафасида корхона ва ташкилотлар билан тузган шартномалари қоғозда қолиб кетаётгани баён этилганди. Ўтган йили коллежлар битирувчиларининг 81,8 фоизи иш билан таъминланган. Сессияда 2015-2016 йилларда ёшларнинг бандлигини тўла таъминлаш масаласи муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, қуйи бўғин вакилларининг ташаббуси билан корхонада бошланғич ташкилот хонаси ташкил этилиб, у талаб даражасида жиҳозланди. Мазкур хонада партиявий тадбирлар, БПТ йиғилишлари ўтказилибгина қолмай, депутат ва БПТ раисига мурожаат билан келувчиларни қабул қилиш масканига ҳам айланди. Жумладан, «Жасмина Бахтиёрова» фермер хўжалигини бошланғич ташкилоти оталиққа олди. Жорий йилдан эътиборан сафдошларимиз хўжаликка техникаларни таъмирлаш ва бошқа ишларда яқиндан кўмак бераётгани туфайли анча ўзини тиклаб олди.

Депутат ва БПТ етакчиси Р. Жўраевга жорий йилнинг шу даврига қадар 20 дан ортиқ мурожаат бўлди. Уларнинг аксарияти ижобий ечим топди. Чунончи, 2 мингга яқин киши истиқомат қилаётган «Қорадарё» ва «Яккабоғ» маҳаллалари аҳолиси томонидан қишлоқларда неча ойлардан бери маиший чиқиндилар йиғилиб ётгани ҳақида ариза берилганди. Шикоят бўйича изчил иш олиб борилганлиги туфайли муаммо бартараф этилди.

Мурожаатлар асосида БПТ фаоллари яна бир лойиҳага қўл уриб, ўқув-спорт техника клубида мактаб ўқувчилари учун автокартинг тўгараги ташкил этишди.

Эътиборлиси, Р. Жўраев ўтган йил ниҳоясида бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши депутати» танловининг вилоят босқичида «Ташаббускор депутат» номинациясида ғолиб топилган. Унинг айтишича, янги хусусий корхоналар ташкил этиш, ҳудудий дастурлар ижросида янада фаол қатнашиш истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлардир.

## Етакчи ҳисоботи тингланди

Партия Чимбой туман кенгаши таркибида 951 нафар либерал ғоялар тарафдорини бирлаштирган 41 та бошлангич ташкилот фаолият юритмоқда. Мазкур таянч бўғинларда ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишлари аниқ режага асосан ўтказилмоқда.

Хусусан, «Тахиатош нефть базаси» унитар корхонаси Чимбой филиалидаги БПТ етакчиси Қуралбек Жонзоқов таянч тузилма аъзолари, партия туман кенгаши ходимлари, депутатлар, жамоат ташкилотлари вакиллари олдида ҳисоб берар экан, ўтган йиллар ичида аъзолар сони 108 нафарға ошғани, мурожаатлар билан изчил иш олиб борилгани, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти электорат вакиллари ўртасида қизғин тарғиб қилингани, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига мувофиқ нуронийлар ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишлари мунтазам олиб борилганини қайд этди. Йиғилишда етакчига ишонч билдирилиб, у яна 1 йил муддатга қуйи тузилма раиси этиб сайланди. Шунингдек, фаоллар жорий йилда бажарилиши лозим устувор вазифалар режасини ҳам тасдиқлашди.

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.**

## Фаоллар кўмаги билан...

Поп туманидаги «Келачи» маҳалла фуқаролар йигини ҳудудидаги 15 нафар маслакдошни жипслаштирган O`zLiDeP бошланғич ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилиши ташкил қилинди. Унда ўтган йили БПТ томонидан амалга оширилган ташкилий, партиявий-сиёсий ишлар юзасидан қуйи бўғин етакчиси Ўғилхон Умрзоқованинг ҳисоботи эшитилди. У қуйи бўғинга бириктирилган депутат билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганини ҳам баён этди. Халқ депутатлари туман кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзоси Рустамжон Турсунов ғоявий-сиёсий тадбирларни ташкиллаштиришда яқиндан ёрдамлашмоқда. Шу билан бирга маҳалла ҳудудида яшовчиларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга жиддий эътибор қаратилаяпти. Мисол учун, маҳалладан туман марказига қатновчи йўналишли таксиларнинг кира ҳақи сунъий равишда оширилганлиги тўғрисида мурожаат тушган эди. Ушбу шикоят БПТ йиғилишида атрофлича ўрганилди ва хулосалар депутат Р. Турсуновга тақдим қилинди. Депутатлик сўрови асосида мазкур масала солиқ инспекцияси томонидан ҳал этилди — нархнинг сунъий равишда оширилишига барҳам берилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида БПТнинг 2015 йилги иш фаолияти маъқулланиб, Ў.Умрзоқова бир овоздан қуйи ташкилот раислигига сайланди.

**Ўз мухбиримиз.**

Обод қишлоқ тонгларда...

# Асл деҳқон фарзанди

...ҚИРҒИЗҚЎРҒОНЧА ҚИШЛОҒИГА КИРИБ КЕЛАР ЭКАНМИЗ, ҲАВОНИНГ АВЗОЙИ БУЗИЛИБ, ЁМҒИР ТОМЧИЛАЙ БОШЛАДИ. ШУНДАЙ БЎЛСА-ДА, ГУЗАРДА ОДАМ ГАВЖУМ. БИЗ ТИЛГА ОЛАЁТГАН МАСКАН БУВАЙДА ТУМАНИДАГИ ДЎППИДЕККИНА ҚИШЛОҚ. БУ ЕРДА ЁШУ ҚАРИ БИР-БИРИНИ ЯХШИ ТАНИЙДИ. СУҲБАТДОШЛАРИМИЗ ДАСТАВВАЛ АБДУРАҲМОН ШЕРАЛИЕВНИ ҲУРМАТ БИЛАН ЭСГА ОЛИШДИ. «ЕТТИ ПУШТИ ДЕҲҚОН ЎТГАН. ТЕХНИКАГА УҚУВИ БАЛАНД ЭДИ РАҲМАТЛИНИНГ. ҚИШЛОҚДА ЎНТА ТРАКТОРЧИ БЎЛСА, ОЛДИ ЭДИ. АГАР БИТТА БЎЛСА, ШУ АБДУРАҲМОН АКА ЭДИ», ДЕЯ ХОТИРЛАШДИ.



■ Аҳрoржон МУСУРМОНОВ

Режавали ака ўша инсоннинг ўғли. Бугун у «Қаҳрамонжон Шералиев» номли кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқаряпти. Ҳа, чиндан ҳам шундай. Гап орасида иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Кенжабой ота Эгамқулов қўшимча қилди:

— Фермер деган номга муносиб йигит. Ҳамқишлоқларидан ҳимматини аямайди. Иккита янги маҳаллага ичимлик сув олиб келиш учун анча-мунча пул сарфлади-ёв. Кам таъминланган оилалар, якка-ёлғиз қариялардан доим хабар олиб туради. Вей, Германиядан мол обкелиб боқяпти-я. Умридан, касбидан барака топсин. Ишдан, эл хизматидан сира қочмайди. Уни маҳаллий кенгаш депутатлигига сайлаганимиз ҳам бежиз эмас.

Отахондан фермернинг уй манзилини сўрадик.

— Э, қизиқ одам экансан-ку. Боятдан бери нима деяпман. Уни уйидан тополмайсан. Даласига бор. Илиги далада қотган. Йил қандай келишини-ю, қандай якунланишини яхши билади. Асл деҳқон фарзанди-да.

Бу таърифларга изоҳ ортиқча эди. Режавали акани чиндан ҳам даласидан топдик. 3 гектарли боғдаги шафтоли, олма кўчатлари кўзни қувонтиради. Бир текисда шакл берилган, оқланган. Суҳбатимиз ўз-ўзидан фермерликнинг қувонч ва ташвишларига келиб уланди.

Маълум бўлишича, Р. Шералиев ўз фаолиятини 2005 йилда 38 гектар майдонда бошлаган. Йил оша ерига ер қўшилаверди. Даромади кўпайди. Бугун хўжалик ўз ҳайдов, чопиқ тракторлари, транспорт воситаларига эга. 50 нафар доимий, 20 нафар мавсумий ишчилар учун шийпонда иссиқ овқат муҳайё.

— Ўртача иш ҳақи ҳам чакки эмас, — дейди механизатор Убайдулло Султонов. — Раҳбаримиз ишчи-ходимларнинг тўй-маъракаларидан маблағни аямайди. Бундан ташқари, электр, ичимлик суви тўловларини ҳам ўз зиммасига олган.

Ўзаро мулоқот давомида Зуҳриддин Абдураҳмонов, Аброржон Отақўзиев, Зулхумор Абдураҳмоновадан ҳам шу каби миннатдорчилик сўзларини эшитдик. Улар фермернинг яқин ёрдамчилари саналади.

— 2015 йилда ғаллачилик бўйича белгиланган режани 114 фоизга бажариб, 80 миллион сўм фойда олдик, — дейди Р. Шералиев. — Пахтачилик соҳасидаги натижаларимиз ҳам ёмон бўлгани йўқ. Биласизми, яқин вақтларгача 112 гектар майдонда деҳқончилик қилардик. Ҳар бир картанинг ўзига хос инжиқлиги ва шунга яраша ишлови бўлади. Оптималлаштириш туфайли мушкулимиз анча осонлашди. Эндиликда 70 гектар майдонда деҳқончилик қилаяпмиз. Ортиқча ташвиш, югур-югурлардан халос бўлдик. Мана, бу йил 34,4 гектар майдонга ғалла экдик. Майсалар анчайин бўй кўрсатиб қолганлигини кўриб турибсиз. Ҳозиргача уч марта ўғитланди. Сув «шарбат» усулида оқизилмоқда.

— Навбатдаги режалар қандай, — сўраймиз фермердан.

— Чорвачилик хўжалигини ташкил этмоқчимиз. Ўтган йили «Агробанк»нинг туман бўлимидан 45 миллион сўм кредит олиб, Германиядан «гольштат» зотли ғунажинлар келтирган эдик. Айни пайтда улар парваришланмоқда. Шу ҳисобдан 3 нафар коллеж битирувчисини ишли қилдик. Жорий йилда чорва маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисосланган цех барпо этмоқчимиз. Хўжалигимизда O`zLiDePнинг қуйи бўғини фаолият кўрсатмоқда. 20 нафар аъзоларимиз БПТ атрофига уюшишган. Ҳам хўжалик раҳбари, ҳам партия таянч тузилмаси етакчиси сифатида зиммамда қандай масъулият турганини яхши тушунаман. Қишлоқда тадбиркорликнинг барча шаклларини ташкил этиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида бандлик даражасини оширишга кўмаклашиш муҳим партиявий бурчимиздир. Жамоат ишлари фермерга оғирлик қилмайдими, деб сўрашингиз мумкин. Йўқ, аксинча, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида садоқат билан хизмат қилиш, дахлдорлик ҳисси билан яшаш ўзини шу юрт фарзанди деб билган инсон учун ҳам фарз, ҳам қарз саналади.

# *Шерқул бобонинг тўёнаси...*

*Осмон оқариб келаётган, борлиқ фусунга бурканган оромбахш палла. Қизилтатир уфққа термулиб, бир нуроний зот ойдин хаёл қилаётир. «**Насиб этса ёзга бориб неваранинг бошини иккита қиламиз... Шодиёнага атаб бир уй солиш керак, янги қўр тиккан ёшларга муқим қўноқжой муҳим. Тўхта-тўхта, банкка бориб суриштириб кўрсам-чи, ёш оилага атаб давлатимиз нечалаб уйлар қураётганини телевизорда айтишяпти-ку...»***

*Саҳармардондан келажак ташвиши билан режа туза бошлаган бу инсонни қишлоқ аҳли яхши танийди. У эл-юрт хизматида кўп йиллар меҳнат қилган Шерқул бобо Юсупов бўлади. Хуллас, ҳозирча билганимиз шу. Қолган тафсилотни кейинроқ маълум қиламиз. Орада бошқа гаплар бор, азиз газетхон...*



■ Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr» мухбири

Ҳа, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йилдан бошлаб мамлакатимизда қишлоқлар қиёфаси шаҳарларга тенглаша бошлади. Ҳудди шу йили Самарқанд вилоятининг Жомбой, Пастдарғом ва Пахтачи туманларида намунавий лойиҳа асосида 60 та уй-жой қурилиб, эгаларига топширилди. Замонавий қулайликларга эга бўлган бу уйлар одамларда ҳавас уйғотди. Хонадонларнинг талабгори – харидори кўпайди. Шунга яраша қурилиш ҳажми ҳам бутун мамлакатимиз қатори вилоят миқёсида ҳам орта борди.

Айтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарорига кўра «Қишлоқ қурилиш инвест» Инжиниринг компанияси томонидан бир неча турдаги қурилиш материаллари имтиёзли тарзда етказиб берилиши белгиланган. Бу тадбирлар эса уй-жойлар қурилишидаги таннархни камайтириб, сифатни оширишга олиб келди.

— 2009 йилда Пастдарғом туманидаги Галатут массивида қисқа муддатда шундай уйлардан иккитасини қуриб битказган эдик, — дейди «Азизбек бунёдкор қурувчи» МЧЖ директори Муҳиддин Бобоев. — Ўтган йили ҳам айни ҳудудда яна 10 та ҳовли-жой қурдик, энди Камолот, Янгиравот, Равот деб номланган учта массивда ишларни давом эттираяпмиз. Намунавий лойиҳалар асосида яратилаётган бундай уй-жойлар бугун нафақат қишлоқлар ҳуснига ҳусн қўшмоқда, қолаверса, янги иш ўринлари пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Айтайлик, биргина бизнинг корхонамизда 20 нафардан ортиқ доимий ишчилар меҳнат қилаётган бўлса, мавсумий ишчиларимиз ҳам шундан оз бўлмайди.

Дарҳақиқат, бундай уйларни қуришдан тортиб жиҳозлашгача ўзимизнинг тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари замонавий уйлар қаддини ростлаб, қиёфасига фусун улашаётган бўлса, мебел ва гиламлар — бошқа маиший жиҳозлар тўкислик бахш этмоқда.

**«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ХОДИМИ ТОЛИБЖОН ҲАМЗАЕВ: «АГАР 2010 ЙИЛДА 650 ТА НАМУНАВИЙ УЙ-ЖОЙ БУНЁД ЭТИЛГАН БЎЛСА, ЖОРИЙ ЙИЛДА 1327 ТА ШУНДАЙ УЙЛАР ҚУРИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА».**

— Илгари «дом»да яшаганмиз, — дейди яна бир уй бекаси Нафиса Назарова. —Янги ҳовлимизда оила аъзоларимиз билан яйраяпмиз. Саксон тўрт ёшли қайнонам бор. Аввалги уйимизга келиб, тезда «кетаман»га тушардилар. Энди «ҳовлиларинг жаннатга ўхшайди, Президентимизга минг раҳмат» дейдилар қувониб. Тўғри, кўп қаватли уйларнинг ҳам ўз афзалликлари бор. Лекин, ҳовлида яшаш, ўзбекона тўй-томошалар қилиш янада қулай. Электр, табиий газ, иссиқ ва совуқ сув узлуксиз. Меҳмонхона, ётоқхона, хаммом, ошхона замонавий ва шинам. Кўчаларимиз кенг. Яшаш учун бундан ортиқ шароит бўлмаса керак деб ўйлайман.

**Ҳа, бугун Самарқанднинг ҳар гўшасида ана шундай гурунглар, самимий эътирофлар, бахтиёр чеҳралар билан юзлашасиз. Бу орада сўзимиз аввалида эслаганимиз – Шерқул бобо набирасига атаб ҳовли солди. Рост айтаяпмиз, бу уйни табаррук отахоннинг номидан, қалб қўридан ёшларга совға дея азамат давлатимиз бунёд этди. Буёғини сўрасангиз, бобонинг кўнглидаги иш бўлибди. Тафсилоти бундай. Хуллас, ҳужжатлар тахт бўлиб, қурилаётган уйлардан бири ўзига тегиши нақд бўлгач, Шерқул ота йўлга тушибди. Уй кўриш учун бораётган бобо ундоқ бўлсин, бундоқ бўлсин дея қабатидаги узангидошларини қистайверибди. Бориб кўришсаки, нақ Шерқул ота сал аввалроқ тасвир қилгандай уй солинаётган экан. Ўша пайтда мўйсафиднинг кўзи намланганини кўрганлар бор эмиш. Мен бу гапга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай қолдим. Бобо яқинда элга катта тўй беради – бор гапни ўшанда ўзларидан сўраб, батафсил суҳбатлашарман, дея кўнглимга тугдим...**


**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси жамоаси

**озод ва обод Ватанимиз тараққиёти, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлашдек шарафли ва масъулиятли вазифани уддалаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган тадбиркор ва ишбилармонлар, қолаверса, фидойилик намуналарини кўрсатиб келаётган лафзи ҳалол фермерларни Шарқона янги йил — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади!**

**Уйгониш, янгиланиш, хайр-саховат, багрикенглик ва фаровонлик тимсолига айланган бу умумхалқ байрами арафасида она юртимизни обод этиш билан бевосита боглиқ хайрли ишларингизда улкан муваффақиятлар, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.**

**Наврўзингиз муборак бўлсин, азизлар!**




## ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ.** Жалақудуқ саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида «Очиқ эшиклар» ойлиги ўтказилмоқда. Айни кунларда ўрта мактаб битирувчилари ушбу таълим маскани ҳудудида ташкил қилинган кўргазмали ярмаркани томоша қилиш баробарида, ўзлари қизиққан ва келажакдаги орзуларига уйғун касб-ҳунар йўналишлари ҳақида маълумотга ҳам эга бўлишмоқда. Таъкидлаш жоизки, Хўжаобод туманидаги «Газ омбори» ҳамда Жалақудуқ туманидаги «Нефтбаза унитар корхонаси», шунингдек, ҳудуддаги электр тармоқлари, газ таъминоти бўлимлари каби қатор корхона ва ташкилотлар билан коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида шартномалар имзоланган. Шундай қилиб, "мактаб-коллеж-меҳнат жамоаси" тизими шаклланиб, бандлик дастури юқори савияда ва ўз вақтида бажарилиши таъминланмоқда.

• • •

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Оқолтин саноат касб-ҳунар коллежида «Бугунги ёшлар келажакка ишонч билан қарайди ва танлаган йўлдан қайтмайди» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Мулоқот давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси Назир Мусаев, O`zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Ҳусан Жабборов ва Сиёсий таълим маркази раҳбари Дилшод Тўрақуловнинг долзарб мавзуларга бағишланган маърузалари тингланди. Муҳокамада ҳудуддаги иқтидорли ёшлар, фан, таълим ва спорт соҳасида мувафаққиятга эришган ёш авлод вакиллари иштирок этди.

— Мен ўзбек кураши билан олти йилдан буён шуғулланаман, — дейди коллеж талабаси Моҳигул Қурбонбоева. — Республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, бир неча маротаба голиб бўлдим. Айни пайтда Осиё чемпионатига ҳозирлик кўраяпман.

• • •

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ.** Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини юксалтириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Қўмитанинг Реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Дилшод Азимов:

— Биринчи навбатда ҳар биримиз истеъмолчи сифатидаги ҳақ-ҳуқуқларимизни билишимиз, бошқача айтганда, замон билан ҳамқадам юришимиз лозим. Қўмита ва унинг ҳудудий органларига истеъмолчилардан келиб тушаётган ариза ва мурожаатлар жиддий назоратга олинаяпти. Ўтган йили аҳолидан жами 5141 та ариза ва шикоят келиб тушган. Уларнинг 3335 таси ёзма, 1806 таси эса ишонч телефони орқали йўлланган. Ана шу мурожаатларнинг деярли барчаси истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинди.

Кези келганда, аҳоли мурожаатларининг аксар қисми коммунал хизматлар билан боғлиқлигини қайд этиш жоиз. Шуни инобатга олган ҳолда, мазкур соҳадаги муаммоларни жойида ўрганиб, масалани ижобий ҳал этиш мақсадида қўмитанинг масъул ходимлари томонидан фуқароларни электр ва газ таъминотига ихтисослашган корхоналарнинг ўзида қабул қилиш тажрибаси амалда қўлланилмоқда.

• • •

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ.** Қизилтепа жадал ривожланаётган туманлардан. Кейинги беш йилликда туман маркази ҳамда Вангози, Бўстон, Тошработ, Азизобод ва Ғардиён қўрғончаларининг инфратузилмаси замонавий савдо, умумий овқатланиш, спорт-соғломлаштириш, сервис ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари ҳисобига тубдан яхшиланди. Эътирофли жиҳати шундаки, ушбу жараёнда тадбиркор ва фермерларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Туман ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, Соғлом она ва бола йилида кичик бизнес субъектлари томонидан амалга ошириладиган кўплаб лойиҳалар тасдиқланган. Бундан ташқари, қиймати 22 миллиард 540 миллион сўмлик 97 та намунавий лойиҳадаги, шунингдек, 48 оилага мўлжалланган «Камолот» уйлари қурилиши ниҳоясига етказилади.

Зармитан қишлоқ фуқаролар йигини ҳудудидаги 17-умумий ўрта таълим мактабида замонавий спорт зали, лойиҳа ҳажми 4 миллиард 880 миллион сўмлик таълим ва соғлиқни сақлаш тизими объектлари қуриб битказилади. Йил охиригача умумий қиймати 10 миллиард сўмдан ортиқ 28 километр узунликдаги Навоий нимстанциясидан Зармитан нимстанциясигача бўлган 110 киловаттли ҳаво электр узатиш тармоғи қуриб битказилиши Арабон, Зармитан ва Ванғози ҚФЙлар ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларнинг электр таъминотини яхшилашга хизмат қилади.

• • •

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.** Марғилон шаҳар маданият ва истироҳат боғи қайта реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилди. Истироҳат боғида сузиш ҳавзаси, мини стадион, фотостудия, салқин ичимликлар, музқаймоқ дўконлари, кўплаб аттракционлар, коруселлар ишлаб турибди. Гўзал ва сўлим дам олиш масканига айланган боғ ҳудудида 400 ўринли анфитеатр мажмуаси ҳам барпо этилди. Бу ерда концерт ва томошаларни ўтказиш учун барча қулайлик яратилган. Боғда кенг кўламли ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилгани боис 1000 тупдан ортиқ арча, эман, каштан, қайрағоч сингари кўчатлар экилди. Яна учта шинам чойхона эса нуроний отахонлар ихтиёрида.

— Мазкур дам олиш маскани замонавий қиёфа касб этганидан хурсандмиз, — дейди марғилонлик Дилшоджон Абдураҳмонов. — Фарзандларимиз билан бу ерга тез-тез келиб турамиз. Боғ ҳудудида амалга оширилган ишлар аҳолига қатор қулайликлар яратиб, янада мазмунли ҳордиқ чиқаришга хизмат қилади.

**«XXI asr» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, МАМЛАКАТНИНГ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДА ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМ ОМИЛЛАРДАН САНАЛАДИ. ЗЕРО, ҲАР ҚАНДАЙ ЯНГИ «ТУРИСТИК МАҲСУЛОТ»ГА, АВВАЛО, МАҲАЛЛИЙ САЙЁҲЛАРДА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТИБ, СЎНГРА УНИ ХОРИЖЛИКЛАР ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТИШ АНЧА САМАРАЛИ ЭКАНЛИГИ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИДА ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПГАН. МАСАЛАН, ИСПАНИЯДА АҲОЛИНИНГ 90 ФОИЗИ АЙНАН МАМЛАКАТ ИЧИДА САЁҲАТ ҚИЛАДИ



# Агротуризм: АРЗОН ВА ФОЙДАЛИ САЁҲАТ

Шу маънода олиб қараганда, биз бугун мулоҳаза юритмоқчи бўлган агротуризм ҳам энг аввало маҳаллий сайёҳларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, саёҳатнинг бу кўриниши ички туризмнинг асосий объектларидан ҳисобланади. Мазкур соҳада катта тажриба тўплаган Ғарбий Европанинг аксарият мамлакатлари, хусусан, Италия, Франция, Германия, АҚШ каби давлатларда ҳам ички туризм ривожига алоҳида урғу берилаяпти.

Масалан, Италияда агротуризм экотуризм билан уйғун ҳолда йўлга қўйилган. Айниқса, Кампанья, Пулья, Марке ва Калабрия сингари провинцияларида бу тизим жуда тез ўзини оқлаб, мамлакатга жуда катта фойда келтираяпти. Мутахассисларнинг фикрича, кейинги йилларда қишлоқда дам олувчилар сони сезиларли даражада кўпайди. Агар бундан 30 йил олдин Апеннин ярим оролидаги мазкур мамлакатга 550 минг агро-экотурист ташриф буюрган бўлса, бугунга келиб улар сони бир неча миллиондан ошди. Яна бир эътиборга молик жиҳат: ҳукумат асосий эътиборни ишсизлик масаласи долзарб бўлган жанубий ҳудудлар — Базиликате, Пулье, Калабрия, Сицилия ва Сардиния провинцияларига қаратмоқда.

Францияда эса агротуризм оилавий бизнес – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғланган ҳолда олиб борилади. Унинг инфратузилмаси узумчилик, боғдорчилик, балиқчилик, йилқичилик фермаларидан иборат бўлиб, уларда замонавий қулайликларга эга арзон меҳмонхоналар ҳам хизматга шай. Янги узилган ва экологик тоза табиий маҳсулотлар эса шаҳарлик сайёҳларнинг жону дили. Бундан ташқари, улар чинакам қишлоқ ҳаёти билан танишиб, отларда саёҳат қилишдан ташқари узум йиғим-теримида ҳам мамнуният билан қатнашадилар. Бундай оилавий дам олиш шаҳар шовқинидан чарчаган кишилар учун айни муддаодир. Сўнгги йилларда аксарият сайёҳлар дам олишнинг айни турини танлаётганлари боиси ҳам ана шундадир. Чунки шаҳарда туғилиб ўсган инсонга қишлоқнинг осуда ҳаёти, маданий бойлигига бевосита гувоҳ бўлиш, дарё бўйида балиқ овлаш, ўт-ўланларнинг бетакрор ҳидидан мириқиб нафас олишнинг нақадар мароқли эканини тасаввур қилишнинг ўзи кишига бир олам завқ бағишлайди.

Французлар агротуризмни ўсиб келаётган авлод учун мустаҳкам тарбия воситаси ҳам деб биладилар. Боиси — бунда ҳордиқ она-табиатга зиён етказмаслик каби эзгу қарашларни ҳам мустаҳкамлайди.

Лўндасини айтганда, бугун ҳамма ҳам донғи кетган, нархи қиммат туристик марказларда дам олишга қурби етмаслиги кундек равшан. Шу туфайли агротуризмни ривожлантиришга аксарият мамлакатларда алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Юқорида таъкидланганидек, экотуризм агротуризмнинг ажралмас бўлагидир. Унинг айни пайтда сайёҳлик бозоридаги улуши 10-14 фоизни ташкил этаётир.

Ёдингизда бўлса, БМТ 2002 йилни «Экологик туризм йили» деб эълон қилганди. Бу қарор экотуризм соҳасида ҳаваскор ва касб билан боғлиқ туризм тармоғига бўлган қизиқишнинг ортиши ва мазкур йўналишнинг янада такомиллашувига хизмат қилди. Сайёҳларни табиат қўйнига кенгроқ жалб этиш билан бирга, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Экотуризмдан нисбатан кичик давлатлар ҳам катта даромад олаётир. Мисол учун, ҳар йили Кения-1,4, Эквадор-1,18, Коста-Рика-1,14, Непал-1,55 миллион АҚШ доллари миқдорида даромад олади. Канадада ёввойи табиатга саёҳат ҳажми ички туризмдан тушган даромаднинг 25 фоизини ташкил этади. Давлат фақатгина экотуризмдан тушган солиқ ҳисобидан йилига 2 миллиард АҚШ долларига яқин фойда олади. Бу миқдор табиат муҳофазаси дастурига ажратилган маблағдан 5 баробар кўпдир.

Туризм ҳақида сўз юритар эканмиз, бир жиҳатга алоҳида тўхталиш жоиз. Яъни, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда биринчи галда тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳукм сурмоғи лозим. Зеро, терроризм ва экстремизм, тобора авж олаётган радикализм, маҳаллий урушлар ҳамда бир жойдан иккинчи жойга боришда хатарлар пайдо бўлаётгани туризмни ривожлантиришдаги ҳар қандай саъй-ҳаракатни йўққа чиқарадиган тўсиқлардир.

Ана шу сабаблар оқибатида кечагина туризм гуркираб ривожланган мамлакатларда бугун сайёҳлар оқими кескин камайгани ёки бутунлай тўхтаб қолганини англаш қийин эмас. Мисол учун, сайёҳлар оқимининг чорраҳаси бўлиб келган Сурия ва Ироқдан илгари йил бўйи туристларнинг қадами узилмаган. Бугун эса сайёҳлар хавфсизлиги учун ҳеч ким кафолат бера олмаяпти. Бундай жойда туризмни ривожлантириш сувсиз ерга экин экишдек гап.

Ўзбекистоннинг туризм индустрияси қадимийлик ва замонавийликни ўзида мужассам этган бўлиб, тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз сингари шаҳарларимиз бутун дунёда қадрланади. Юртимизда экотуризм, геотуризм, альпинизм, экстремал, маданий туризм, балиқ ови, рафтинг каби сайёҳликнинг замонавий турлари учун қулай имкониятлар мавжуд. Энг муҳими, мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик мужассам.

Бугун Ўзбекистонда 1279 та сайёҳлик ташкилоти, жумладан, 548 та меҳмонхона, сайёҳлик базалари ва кемпинглар, 731 та ихтисослашган компания фаолият кўрсатаётир. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар амалга оширилаяпти. Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1993 йилда аъзо бўлган. 2004 йилдан буён Самарқандда Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк ипак йўлидаги минтақавий маркази фаолият кўрсатиб келади. Мунтазам равишда халқаро сайёҳлик ярмаркалари, анжуман ва семинарлар ташкил этиб борилаяпти. 2014 йилда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси Самарқандда ўтказилгани эса туризм ривожида муҳим воқеа бўлди.

Ана шундай кенг кўламли ислоҳотлар туфайли сайёҳлик инфратузилмаси такомиллашиб, мамлакатимизда ички туризм ҳам тобора ривожланмоқда. Ҳар бир ҳududнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда манзилли дастурлар амалга оширилаяпти. Масалан, тарихий обидалар камроқ бўлган жойларда экотуризм, геотуризм, тоғли зоналарда экстремал туристик хизматлар ташкил этилаётир.

Мухтасар айтганда, антик даврда аҳолининг савдо-сотиқ билан шуғулланиш, таълим олиш, муқаддас жойларни зиёрат қилиш мақсадида ўз юртларидан йироқ жойларга сафар уюштириш натижасида вужудга келган мазкур истиқболли соҳа ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

**Азизбек ЭРКИН ўғли.**

## АЖИБ ДУНЁ

### Катарактани даволашнинг зарарсиз усули



**АҚШнинг Калифорния ва Хитойнинг Сунь Ятсен университети олимлари тиббиёт тарихида илк бор инсон кўзидаги шикастланган гавҳарнинг ўрнига бемор танасидаги ҳужайралардан янги гавҳарни ўстириш амалиётини ўтказдилар. Яъни, бунда кўздаги шикастланган гавҳар олиб ташланиб, унинг ортидаги мембрана қолдирилади. Гавҳар ёнидаги ўзини-ўзи тиклаш қобилиятига эга ҳужайралар мембранага сурилади. Улар эса шаффоф линзага айланади.**

**Ушбу янгилик туфайли тиббиёт ходимлари тугма катаракта (кўз гавҳарининг хира тортиши) билан дунёга келган 12 нафар гўдакнинг кўриш қобилиятини қайта тиклашга эришдилар. Бошқача айтганда, эндиликда мазкур хасталик бемор танасидаги ҳужайлардан яратилган «жонли линзалар» ёрдамида даволаниши мумкин. Олимларнинг айтишича, бундай линзалар кўриш қобилиятини уч ойда қайта тиклайди.**

**Жаҳон соглиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда қарийб 18 миллион киши катаракта оқибатида кўриш қобилиятидан маҳрум бўлган.**




### Митти китобча

Россиялик микроминиатюрачи Владимир Анискиннинг изланишлари боис дунёдаги энг митти китоб яратилди. Унинг саҳифалари ўлчами 70-90 микрометрни ( яъни 0,07 миллиметрдан 0,09 миллиметргача) ташкил этади. Бу китобча япониялик усталар томонидан 2013 йилда яратилиб, Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган китобчадан 88 баробар кичкина.

Эътиборга молик жиҳати, китобча махсус ингичка металл игна ёрдамида варақланади.

### Хайр, елим идишлар



Жаҳон ОАВ хабарларига қараганда, Сан-Франциско дўконларида 2020 йилга бориб елим идишларда ичимликлар сотилмайди. Сан-Франциско бундай қарорни қабул қилган АҚШдаги илк шаҳарга айланди.

Мутахассисларнинг фикрича, бундай идишлар билан атроф-муҳитнинг ифлосланиши асримизнинг энг долзарб экологик муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Хлорланган елим идиш тупроққа зарарли кимёвий моддаларни чиқаради. Бу эса сув манбаларини заҳарлайди. Натижада нафақат одамлар, балки денгиз ҳайвонларининг ҳаётига ҳам катта хавф туғилади.

Таъкидлаш жоизки, бир йил аввал мазкур штатда полиэтилен халталардан ҳамда таомлар учун елим идишлардан фойдаланиш ҳам тақиқланган эди. Айни пайтда улар савдо расталаридан чиқарилмоқда.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Замон билан ҳамқадам

**— Юртимизда яратилган эркин тадбиркорлик муҳити хусусий тиббиёт муассасалари ривожи учун ҳам бир қатор қулайликларни туғдирмоқда, — дейди O`zLiDeP халқ депутатлари Сирдарё туман кенгаши депутати, «Жамшид» хусусий фирмаси тасарруфидаги Сирдарё шифо маскани бош шифокори Зуҳра Субхонова.**

**Дилора ЭСОНОВА**

— Бундан ўн беш аввал турмуш ўртоғим Жамшид Синдоров билан маслаҳатлашиб, каровсиз ҳолда ётган Сирдарё санаторий-профилакторийси биносини реконструкция қилиб, фаолиятни қайтадан тиклашга бел боғладик. Банкдан олинган сармоя эвазига бир йил мобайнида шифо масканида қайта қуриш, тиклаш ишларини амалга ошириш баробарида замонавий даволаш ускуналарини ўрнатдик. Сиҳатгоҳимизга малакали шифокор ва мутахассисларни жалб қилгач, 20 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Тиббиёт соҳасидаги соғлом рақобат муҳити янги изланишларга йўл очиб, жаҳон тажрибаларини амалиётда қўллаш имконини бераётир. Шу боис мазкур сиҳатгоҳда ҳам тиббий хизмат маданияти тобора юксалиб бормоқда.

Олий тоифали шифокор Зуҳра Субхsecurityнованинг айтишича, Сирдарё санаторийсида 1800 метр чуқурликдан Тошкент минерал сувининг аналоги бўлган шифобахш маъданли сув чиқади. Сув таркибида кальций, натрий, магний, темир, гидрокарбонат, хлор, азот нитрат, аммоний иони, сульфат каби моддалар мавжуд бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан таҳлил қилинган. Айниқса, ошқозон-ичак касалликларида, бўғим ва асаб хасталикларида фойдали ва ичишга буюрилади. Ванна, душлар, ўт, ошқозон ва ичакларни ювиш учун ишлатилади.

Сиҳатгоҳда бир қатор даво муолажалари мавжудки, у жаҳон андозаларига тўла мос ҳамда бу масканда даволанаётган беморларнинг соғайиб, ўз саломатликларини тиклашига имкон бермоқда. Масалан, массаж, минерал сувли ванналар ва минерал сувли душлар, парафин-озекерит, шифобахш балчиқ, физиотерапия муолажалари (УВЧ, УЗТ, электрофорез, амплипульс, электросон, дарсенваль, франклинизация) иссиқлик муолажалари, хитойча игна санчиб даволаш, ошқозон, ўт, ичак касалликларини минерал сув билан ювиш, даволовчи микроклизмалар, халқ табобати бўйича доривор гиёҳлар билан ҳамда кислородли кўпик билан даволаш ҳам шулар жумласидандир.

Шунингдек, бу ерда периферик ва марказий асаб тизими хасталиклари (радикулит, остеохондроз, невритлар, невралгия, неврозлар, плексит), таянч ҳаракат аъзолари хасталиклари (ревматизм, ревматоид полиартритлар, бурсит, миозит), ошқозон-ичак хасталиклари (гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги, сурункали гепатит, холецистит, панкреатит, энтероколитлар), гинекологик касалликлар (бепуштлик, эндометрит, салпингит, аднексит), умуртқалараро чурра (грижа) ларни самарали даволаш ҳам йўлга қўйилган. Шифо масканида умуртқалараро чурралар (грижа) ларни даволовчи мосламалар Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган NUGA-BEST (массажли кроват) ёрдамида 5 хил услубдан фойдаланган ҳолда даволанади. Яна бир қулай жиҳати, йўлланмаларни бевосита шифо масканининг ўзидан нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан ҳам олиш мумкин. Маҳаллий аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда кундузи қатнаб даволаш имконияти ҳам яратилган. Бу, айниқса, хасталикларга чалинган уй бекалари, хотин-қизлар учун фарзандлари тарбиясидан ажралмаган ҳолда саломатликларини тиклаш учун имконият яратмоқда.

Уч қаватли бинода жойлашган шифо маскани 80 ўринга мўлжалланган бўлиб, даволанувчилар орасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда қўшни вилоятлардан ҳам ҳар йили даволаниб кетадиган мижозлар ҳам бор.

— Бош оғриғи, кўз тиниши ва мадорсизликдан қийналардим, — дейди чинозлик Муножот Аҳмаджонова. — Уч йилдан буён шу масканда даволанаман. Дардлардан анча фориғ бўлиб, энди ўзимни яхши ҳис қилаяпман.

Бундай дил сўзларини Бахтиёр Маҳмудов, Абдураҳмон Саимов ва Мукаррам Саимова каби беморлардан ҳам эшитдик.

— Жорий йилнинг Юртбошимиз ташаббуси билан Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши тиббиёт ходимлари зиммасига янада жиддий масъулият юклайди, — дея суҳбатни давом эттиради Зуҳра Субхонова. — Зеро, мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасидаги шифо масканларининг шакли-шамойили ўзгариб, замонавийлашиб, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ортиб бормоқда. Биз ҳам замон билан ҳамнафас қадам ташлаган ҳолда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини бажариш учун бир қатор вазифаларни белгилаб олдик.

*Хизматлар лицензияланган.*


XALQ BANKI
Байрамингиз муборак бўлсин!
Наврўз ҳар бир оила,
ҳар бир хонадонга,
бутун юртимизга
тинчлик-омонлик,
файзу барака олиб келсин!
Хизматлар лицензияланган.


AGROBANK
Барча юртдошларимизни Наврўз айёми билан самимий муборакбод этамиз.
Наврўз оилангизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, хотиржамлик ва бахт-омад олиб келсин.
«Агробанк» ҳамда Click компанияси ҳамкорлигида жорий этилган «Мобил савдо» тизими орқали уяли телефонингиздан маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни содда ва тез амалга ошириш хизматидан фойдаланинг.
CLICK
mobilsavdo
sodda va tez to'lov
AGROBANK
Мобил савдо белгиси мавжуд жойларда тўловни амалга оширишингиз мумкин.
www.agrobank.uz
Хизматлар лицензияланган


"ҚОРАҚАЛПОҚ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ" ҲУДУДИЙ КОРХОНАСИ жамоаси
табиат уйғониб, боғу роғлар яшил либосга бурканган, баҳор нафаси, қуёш тафти борлиқни гўзалликка чулғаётган ушбу фараҳбахш кунларда барча ватандошларимизни қутлуғ айём — Наврўзи олам билан чин қалбдан муборакбод этади.
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!
Наврўзи олам барчамизга қутлуғ келсин!
Хизматлар лицензияланган.

# Ишбилармонлар мамнун

**Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашда маҳаллийлаштириш дастурининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.**

■ **Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI ASR» мухбири

Ушбу жараёнда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, мазкур жамғарманинг Навоий вилоят филиали маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижга йўналтириш, экспорт қилувчиларни эҳтимолли хавф-хатардан ҳимоя қилиш, бошқа мамлакатлар қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензия ва сертификатлар олишда ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Биргина жорий йилнинг ўтган ойларида Навоий вилояти ҳудудида жойлашган 6 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жамғарма томонидан умумий қиймати 4700,0 минг АҚШ долларига яқин маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди. Жумладан «Karmana Gips Mahsulotlari» ҚК МЧЖга хорижий ҳамкор топишда ва чет элдаги кўргазмаларда қатнашиш учун кўмаклашиш натижасида 5,0 минг АҚШ долларидан ортиқ қурилиш моллари экспорт қилинишига эришилган бўлса, «Бахт Текстиль» ҚК МЧЖга мижоз топишда ёрдам берилди ва умумий қиймати 1500,0 минг АҚШ долларига яқин калава экспорт қилинди. Шунингдек, «Бизнес Азия» ИЧТФга мижоз топишда кўмаклашилиб, 40 минг АҚШ долларига яқин тўқувчилик маҳсулотлари чет эллик ҳамкорларга етказиб берилди.

Бундан ташқари, ҳудудда фаолият юритаётган кўплаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари доимий равишда таҳлил этилиб, уларни экспорт қилиш имкониятлари ҳақида тегишли маълумотлар базаси шакллантирилди.

Таъкидлаш жоизки, экспортёр корхоналар учун яратилган шарт-шароит ва қулайликлар, халқаро тендер савдолари, чет элда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркалар ҳақидаги маълумотларнинг мунтазам бериб борилиши натижасида жамғарма фаолиятига қизиқувчи тадбиркорлик субъектларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Биргина ўтган йилнинг 27-29 август кунлари Туркманистонда ўтказилган «TURKMEN CONSTRUCTION 2015» қурилиш маҳсулотлари кўргазмасида вилоятдаги «Triumf Gornyak» МЧЖ муваффақиятли қатнашганлиги фикримиз исботидир.

— Бугун Навоий вилоятида экспортёр корхоналарнинг кўпайишида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси муҳим ўрин тутмоқда. Бу эса биз тадбиркорларда ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг сифатини янада яхшилаш ва қўшимча иш ўринларини яратишга сабаб бўлаётир, — **дейди мазкур корхона директори В.Файзиев.** — «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида чет элга ўз маҳсулотларимизни етказиб берар эканмиз, фақат моддий манфаатдорлик кўриш ҳақида ўйламаяпмиз, балки иқтисодий салоҳияти юксалаётган она Ватанимиз довруғини дунёга олиб чиқаётганимиздан фахрланамиз.

Эътиборли жиҳати, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Навоий филиали жамоаси хорижий давлатларнинг ташқи савдо амалиёти билан боғлиқ қонунчилик меъёрларини чуқур ўрганиш, жойларда тадбиркорлар билан юзма-юз учрашувлар ташкил этиш билан бирга амалий ёрдам кўрсатиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортименти ва турларини, шунингдек, уларни ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш йўлида барча имкониятларни сафарбар этмоқда.

***Хизматлар лицензияланган.***


## МАСЛАҲАТ, КЎМАК, ХИЗМАТ — БАРИ СИЗ УЧУН!

***«Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси мутахассислари барча юртдошларимизни нафосат, гўзаллик, яшариш ва янгиланиш байрами — Наврўзи олам билан табриклайди!***

Истагимиз Наврўз – хонадонингизга тинчлик хотиржамлик, файзу барака, мўл ризқу насибаси билан кириб келсин!

Марказимиз сифатли, рақобатбардош, истеъмолчилар учун манзур бўладиган, импорт ўрнини босадиган, экспортбоп, дунё стандарти талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлашни ташкил этган тадбиркорлар, вилоятдаги кўп тармоқли фермер хўжаликларига маҳсулотлар учун мувофиқлик сертификати олишда яқиндан ёрдам беради.

Шунингдек, халқаро ISO 9001 — «Сифатни бошқариш тизими»ни ўз корхонасида жорий этиш истагида бўлган тадбиркорлар, товар ишлаб чиқарувчиларга марказнинг малакали мутахассислари, эксперт-аудиторлари яқин маслаҳатчи ва кўмакчи бўладилар.

Хонадонингиз ёки корхонангизга ўрнатилган мавжуд ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ҳам мутахассисларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Азиз тадбиркорлар, қадрли истеъмолчилар!**

Сиз «Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонасининг + 998 73 543-11-13 рақамли «Ишонч телефони» ёки www.qoqonssm.uz веб-сайтимиз орқали мурожаат қилиб, ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз ёки марказимиз томонидан хонадонингиз, корхонангиз учун зарур бўлган хизмат турларидан фойдаланишингиз мумкин.

Сизларнинг мурожаатингиз бизнинг эътиборимиздан четда қолмайди. Чунки биз доимо сизнинг хизматингиздамиз!

**«Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонаси**

**Манзилимиз:** Қўқон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 1-А-уй. **e-mail:** qoqonssm@rssm.uz

**Телефонимиз: +998 73 543-11-14. Факс: +998 73 543-11-12.**



*Хизматлар лицензияланган.*



## ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ!

«Самарқанд шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси жамоаси юртдошларимизни, қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри меҳмонларини баҳор айёми Наврўзи олам билан табриклайди!

Марказимиз мутахассислари юртимизнинг азми қатъий ва шижоаткор ишбилармонлари, хусусан, Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, фермер хўжаликларига сифатли, истеъмолчилар учун манзур бўладиган, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришларида доимо мададкордир!

Азиз тадбиркорлар! Корхонангизда ишлаб чиқарилаётган ёки импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олмоқчи бўлсангиз, шунингдек, маҳсулотингизнинг ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлиши учун Халқаро ISO 9001 – «Сифатни бошқариш тизими»ни жорий этишингизда ҳам марказимизнинг малакали мутахассислари, эксперт-аудиторлари сиз доимо зарур маслаҳат ва ёрдамини аямайди!

Корхонангиз ёки хонадонингиздаги ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан тез ва сифатли ўтказиш учун ҳам бевосита марказимиз мутахассисларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Сиз учун яна бир қулайлик — марказимизнинг (0 366) 222-09-07 рақамли «Ишонч телефони» ёки www.samarcis.uz веб-сайти орқали мурожаат қилсангиз, ўзингизни қизиқтирган барча саволларга малакали мутахассисларимиз жавоб беришади. Биз доимо сизнинг хизматингиздамиз!

*Хизматлар лицензияланган.*

**«Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси**

**Манзилимиз:** Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 147а -уй. **e-mail:** samarqandssm@rssm.uz, samsert@umail.uz

**Телефонимиз: (0 366) 222 09 07, факс: 222 21 52**



## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЛИКҚАЛЪА ТУМАНЛАРАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН

# «ШАРОБСАВДО»

## базаси жамоаси

***Ўзбекистон халқини Наврўз шодиёналари билан самимий қутлайди.
Сумалак ва ҳалим, кўксомса каби баҳорий неъматлар тортиладиган, яшил майдон ва кўкламзорларда сайил-томошалар, кураш ва улоқ чопиш мусобақалари ўтказиладиган мана шундай файзли кунларда сизларга хуш кайфият тилаб қоламиз.***



*Хизматлар лицензияланган.*



## БИЗ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ!

**«Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси ватандошларимизни гўзал айём Наврўзи олам билан муборакбод этади!**

Марказимиз тадбиркорлар, маҳаллий ва қўшма корхоналар, кўп тармоқли фермер хўжаликларига рақобатбардош, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, етиштиришларида ёрдам беради.

Қадрли тадбиркорлар! Сиз корхонангиз, хўжалигингизда ишлаб чиқараётган ёки хориждан келтираётган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олишингиз, шунингдек, маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлиши, Халқаро ISO 9001 – «Сифатни бошқариш тизими»ни жорий этишингизда марказимизнинг малакали мутахассислари, эксперт-аудиторлари доимо маслаҳат ва ёрдамларини аямайдилар. Шунингдек, марказнинг «Туристик ва меҳмонхона хизматлари»ни сертификатлаштириш идораси ҳам меҳмонхона хўжалигини дунё андозаларига мослаштириш ва сертификатлаштиришда ишбилармонларга кўмак беради.

Булардан ташқари корхонангиз ёки хонадонингиздаги ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ҳам марказимиз мутахассисларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Азиз тадбиркорлар, муҳтарам истеъмолчилар!

Сиз «Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонасининг 0 362 225-62-94 рақамли «Ишонч телефони» ёки www.xorezmsert.uz веб-сайти орқали мурожаат қилсангиз стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳалари бўйича ўзингизни қизиқтирган саволларга мутахассисларимиз жавоб беришади. Чунки биз Сизнинг хизматингиздамиз!

*Хизматлар лицензияланган.*

**«Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонаси**

**Манзилимиз: Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 107 «а» уй. e-mail: xorezmsert@rssm.uz**

**Телефонимиз: 0 362 225-62-94, факс: 0 362 770-40-87.**


## ЎЗИМИЗНИНГ ГАПЛАР

*Безовта бўлишни хоҳламасанг, доимо безовта бўл.*

***

*Ишёқмас эрталаб уйғотган хотинига бақиради, тадбиркор эса жилмаяди.*

***

*Бизнес вакили учун ғийбатчи — текин рекламачи.*

***

*Учарбой тилниям дилниям билиши шарт.*

***

*Кўпчилик янги йилда режа тузади, тадбиркор эса эски йилда.*

***

*Ишбилармон ҳам айримларга ўхшаб бировнинг ютуғини кўрса хафа бўлади, аммо ўзидан...*

***

*Омад қуши ҳам ҳуркак бўлади. Уни чўчитмасдан ушлаб олганларни эса мулкдор деймиз.*

***

*Озгина имкон бизнес вакили учун нимкон.*

Шуҳрат РЎЗИЕВ.

## ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**барча ватандошларимизни Наврўзи олам билан самимий табриклайди. Юрт келажаги, халқ бахт-саодати йўлидаги хайрли интилишларингизга омад ва барака тилаймиз. Байрам қувоичи доимий ҳамроҳингиз бўлсин, азизлар!**



*Хизматлар лицензияланган.*

## Кўкдала педагогика коллежи жамоаси

*ҳамюртларимизни табиатнинг уйғониши, борлиқнинг яшиликка бурканиши, яшариш, янгиланиш айёми бўлмиш фасли навбаҳор билан қутлайди. Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!*



*Хизматлар лицензияланган.*

## «МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ» МЧЖ жамоаси

юртдошларимизни ўлкамизга кириб келган янгиланиш фаслининг даракчиси —

## *НАВРЎЗИ ОЛАМ*

билан самимий табриклайди. Баҳор айёми барчангизга шодлик олиб келсин, оилаларингиздан тотувлик ва тўкин-сочинлик аримасин!



*Хизматлар лицензияланган.*

## Ҳаёт ҳақиқатлари



# Умрибоқий удумлар, анъаналар…

Наврўз куни одамлар ота-онаси, яқин кишилари, йигитлар унашилган маҳбубалари билан дийдорлашганлар.

***

Орасидан гап қочган одамларни, уришган эр-хотинларни эл оғалари Наврўз куни яраштириб қўйишган.

***

Наврўзда атроф-муҳит орасталанади, ариқ-зовурлар тозаланади, ҳовли-боғлар тартибга келтирилади. Кўчалар, майдонлар, ҳовлилар тозаланади.

***

Наврўз дастурхонига 7 хил дарахт шохидан намуна келтириб қўйилади. Улар: мажнунтол, зайтун, беҳи, анор, бодом, писта, ёнғоқдир. Шулар қаторида қатиқ, сут, пишлоқ, тухум, балиқ ва ёниб турган шамлар ҳам қўйилган.

***

Сумалак кўпчилик бўлиб тайёрланади. Қишдан эсон-омон чиқиб олдик, деб хонадонлардан бир косадан буғдой йиғиб олинади. Айтишларича, бир қозондан таом еганлар бир-бирига қариндошдек яқин бўлиб қолишар экан.

Ҳафтада бир марта яхшилаб ҳордиқ чиқариб, ойда бир бора ҳаммомга тушиб, йилда бир марта сумалакка тўйган одам сира касал бўлмас эмиш.

***Т.Мирзаев, М.Жўраевнинг «Наврўз» («Фан», 1992 й) номли тўпламидан олинди.***

## Табиат сири

# Қишда… анор гуллади!



*Самарқанд туманида умргузаронлик қилиб келаётган Аҳрор бобо Зарипов кўпдан бери гул етиштириб, одамларга улашиб келади. Узоқ йиллар фармацевтика соҳасида меҳнат қилган, вилоят микёсида биринчилардан бўлиб шахсий дорихона очган Аҳрор бобо пенсияга чиққач, бор меҳрини гуллар парваришига бағишлади. Ҳовлиси саҳнидаги мўъжазгина иссиқхонада Янги Зеландия, Россия, Ҳиндистон, Хитойдан келтирилган қора шаҳзода, фикус, кактус, жаннат гули, абуталон, бугнавия, 6 хилдаги хитой атиргули, пальма, бигония каби 300 га яқин турдаги хона гулларини етиштиряпти. Яна 12 хилдаги ярим пакана атиргуллар иссиқхонага ёндош жойда клёнка остида очилиб ётибди.*

*Бизни ҳайратга солган манзара эса бошқа: яъни, иссиқхонада айни қиш фаслида гулга кирадиган бир тупгина анор дарахтидан, мана, бир неча йилдирки, 50-60 донагача ҳосил олинмоқда.*

*— Очиғини айтайми сизга, анорни иссиқхона шароитида ўстиришимга кўпам ишонмагандим, — дейди Аҳрор Зарипов. — Чин дилдан қилинган парвариш ўз натижасини берди. Гул ўстириш, она табиатнинг бу гўзал неъматини одамларга улашиш раҳматли отамдан мерос. Буни қарангки, энди ортимдан фарзандларим, набираларим ҳам эргашяпти.*

*Отахон қурган иссиқхона томи икки қаватли, яъни, ойна ва клёнкадан иборат. Шу сабабли табиий газ ёки электр энергияси ёрдамисиз иссиқликни сақлаб турган бу жойга кирган одамнинг баҳри дили очилади. Гулхонада яна 20 га яқин доривор гуллар ҳам ўстирилмоқда.*

*Энг қизиғи, Аҳрор ота ўз қўли билан етиштираётган гулларини ҳеч қачон бозорга чиқариб сотмайди, аксинча, қўни-қўшниларнинг қутлуғ кунларига, бирор байрам баҳонасида болалар боғчаларига туҳфа қилади. Буюртма берганларга эса кўнглидагидек қилиб тайёрлаб беради.*

*Муҳаббат РАВШАНОВА.*

## Қутлов








# ФУТБОЛ: ғалабалар бардавом бўлса…

**Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси навбатдаги тур учрашувлари жамоаларимиз учун омадли бошланди. Чунончи, «Пахтакор» ўз майдонида Эроннинг «Тракторсози» клубини кичик ҳисоб билан мағлуб этган бўлса, «Локомотив» сафарда «Фулад Сепаҳон» жамоасини 2-0 ҳисоби билан енгди. Кеча яна икки жамоамиз – «Бунёдкор» ва «Насаф» ҳам мазкур мусобақа доирасида галдаги ўйинларини ўтказди. Унда «қалдирғочлар» Эроннинг «Зоб Аҳан» клубини синовдан ўтказган бўлса, қаршиликлар Қатарда «Ал Жаиш» жамоаси меҳмони бўлишди.**

# Ёшларимиз — тенгсиз

**Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари Қозоғистонда ташкил этилган мусобақада ўн битта медалга сазовор бўлишди.Хусусан, Осиё чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби Илҳом Баҳромов вазни 55 килограммгача бўлган курашчилар беллашувида барча рақибини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди. Шунингдек, Жасур Ортиқбоев (50 кг), Жавоҳир Мираҳмедов**



**(60 кг), Далер Раҳматов (120 кг) ҳам ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгаллади. Терма жамоамиз аъзоларидан Лочин Жўраев, Абубакр Алимов, Жалғас Бердимуродов кумуш медални қўлга киритди. Муҳаммадқодир Юсупов, Салоҳиддин Холматов, Жаҳонгир Мадумаров ва Музаффар Комилжонов бронза медалга лойиқ топилди.**

# Паралимпиячиларимиз медаллари

Бразилияда ўтказилган дзюдо бўйича паралимпиячилар ўртасидаги Гран-при мусобақасида спортчиларимиз биттадан олтин, кумуш ва бронза медалига сазовор бўлди.

Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясидан маълум қилинишича, Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган мусобақада йигирмага яқин давлатдан 250 спортчи иштирок этган. Умидли полвонимиз Ўткир Ниғматов вазни 66 килограммгача бўлганлар беллашуви финалида 2012 йилги Паралимпия ўйинлари ғолиби, 2014 йилги жаҳон чемпиони Давид Хорава (Украина)ни енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олган. Ширин Шарипов (100 кг) учинчи ўринни эгаллаган бўлса, хотин-қизлар ўртасидаги баҳсда қатнашган дзюдочимиз Севинч Салаева (52 кг) кумуш медални қўлга киритган.



# Чин юртидаги йиғинлар

Келгуси ҳафтанинг 23 март – 3 апрель кунлари Куинан шаҳрида (Хитой) бокс бўйича XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг йўлланмалари учун Осиё ва Океания қўшма лицензион чемпионати ўтказилади.

Мазкур мусобақага қизғин тайёргарлик кўрган Ўзбекистон эркаклар ва аёллар терма жамоалари сўнгги ўқув-йиғин машғулотларини Чин юртининг ўзида ўтказишяпти.

Ушбу мусобақада Ватанимиз шарафини Ҳасанбой Дўсматов (-49 кг), Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг), Шахрам Ғиёсов (-69 кг), Элшод Расулов (-81 кг), Рустам Тўлаганов (-91 кг), Баҳодир Жалолов (+91 кг), Ёдгорой Мирзаева (-51 кг), Мафтуна Мелиева (-60 кг) ва Нафисахон Асқарова (-75 кг) ҳимоя қилади.

Осиё ва Океания қўшма чемпионатида ҳар бир вазн тоифасида 1-3 ўринларни эгаллаган спортчилар «Рио-2016» йўлланмасига эга бўлади.

# Қиличбозлар Гран-Приси

**18-20 март кунлари Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида спортнинг қиличбозлик тури бўйича Гран-При туркумига кирувчи йирик халқаро турнир ўтказилади. Унда XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг йўлланмалари учун рейтинг очколар ўйналади. Мазкур мусобақада Ватанимиз шарафини Роман Александров, Руслан Кудаев ва Малика Ҳакимова ҳимоя қилади. Ушбу турнирдан сўнг терма жамоаларимиз аъзолари 10-18 апрель кунлари Хитойнинг Вукси шаҳрида ўтказиладиган Осиё чемпионатига ҳозирлик кўрадилар.**


# «XXI asr» дан 21 совға! АКЦИЯСИ

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан **«XXI asr» дан 21 совға!»** деб номланган махсус акциясини эълон қилади!

Акцияда иштирок этиш учун сиз, газетага камида 6 ой муддатга обуна бўлишингиз керак. Обуначилар таҳририят шартномаси ва тўлов топшириқномаси ҳамда таҳририят ҳисоб-рақамига тўланган чекларни бизга тақдим этишларининг ўзи кифоя. Ҳар 25-обуначи истиқлолнинг 25 йиллиги байрами арафасида таҳририятнинг **махсус совғасига** эга бўлади.

Йиғилган тўлов ҳужжатлари мустақиллик байрами арафасида лотерея кўринишида аниқланади ва 21 иштирокчига қимматбаҳо **совға** тақдим этилади.

Ғолибларнинг исми-шарифи «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетасининг Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамига бағишланган сонида эълон қилинади.

**АКЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИБ, ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ.**

Таҳририятдан шартнома ва қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги рақамларга қўнғироқ қилишингиз мумкин.
**Қабулхона: (0371) 215-63-80**
**Обуна ва реклама бўлими: (0371) 255-68-50**
**Ҳисобхона: (0371) 255-45-08**

**Банк реквизитлари АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Тошкент вилояти филиали ҳисоб-рақами 20208000904296447001, МФО: 00987, ИНН: 204746574**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73 а уй.**


O`zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши партиянинг Чиноз туман кенгаши раиси **Анвар БЎРИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.